

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:336.71*

ХОЛМУРОДОВ СУННАТУЛЛА МУСУРМОНҚУЛ ЎҒЛИ

**ХАЛҚАРО БАЗЕЛЬ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТИЖОРАТ
БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5A230702- “Банк ҳисоби ва аудит”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: _____ и.ф.н.,проф.Т.Каралиев.

ТОШКЕНТ – 2017

**Диссертация Тошкент молия институти “Банк ҳисоби ва аудит”
кафедрасида бажарилган.**

Илмий раҳбар

и.ф.н.,проф. Т.Каралиев

Кафедра мудири

и.ф.н., доц. З.Умаров

Магистратура бўлимибошлиғи

МУНДАРИЖА:

	КИРИШ	3
I БОБ	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	9
1.1	Тижорат банклари ички аудитини моҳияти ва мақсади.....	9
1.2	Банк ички аудитини ташкил қилишнинг услубий асослари	14
1.3	Банк ички аудитига Базель Қўмитаси томонидан қўйилган талаблар	20
	I боб бўйича хулоса.....	28
II БОБ	ХАЛҚАРО БАЗЕЛЬ ҚЎМИТАСИНING ИЧКИ АУДИТ ТИЗИМИГА ОИД ТАЛАБЛАРИНИНГ АМАЛИЁТДАГИ ҲОЛАТИ	29
2.1	Тижорат банкларида ташкил этилган ички аудит фаолиятининг таҳлили.....	29
2.2	Базель қўмитасининг банк ички аудитига оид талабларининг банк амалиётида қўллаш ва уни таҳлили.....	36
2.3	Тижорат банклари ички аудит фаолиятининг хориж тажрибаси ва унинг афзал жиҳатлари.....	54
	II боб бўйича хулоса.....	63
III БОБ	БАЗЕЛЬ ҚЎМИТАСИНING БАНК ИЧКИ АУДИТИГА ОИД ЯНГИ ТАЛАБЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ВА УНИ РИВОЖЛАНИШ АСОСЛАРИ	64
3.1	Базель Қўмитасининг банк ички аудитига оид талабларини амалиётга жорий этишдаги муаммолар.....	64
3.2	Базель Қўмитасининг банк ички аудитига оид талабларини Ўзбекистон амалиётида қўллаш ва уни ривожлантириш истиқболлари.....	69
	III боб бўйича хулоса.....	74
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	75
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	79

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий пировард мақсади — мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатлари тамойилларини тўлиқ қарор топтиришдан иборатдир. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш йўлида изчил ислохотлар олиб борилаётган ҳозирги босқичда тижорат банкларининг мамлакат иқтисодиётидаги роли тобора ошиб бормоқда.

Тижорат банклари фаолияти даромад олиш билан бир қаторда риск билан ҳам билан чамбарчас боғлиқ фаолият бўлиб, бу аввало банклар фаолиятининг асосан жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши билан изоҳланади. Бунинг натижасида банк фаолиятида ликвидлилик rischi, кредит rischi ва тизимли риск билан боғлиқлигини англатади. Бу эса ўз навбатида республикамиз тижорат банклари фаолият барқарорлигини Базель талаблари ҳамда ички аудит тизимини самарали йўлга қўйиш орқали мувофиқлаштириш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан тижорат банкларига нисбатан қўйиладиган меъёрий талабларни назарда тутган янги стандарт ва тавсиялар (Базель III стандартлари) ни ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган. Шу нуқтаи назардан мазкуп қарор ижросини самарали таъминлаш ҳамда тижорат банклари ички аудитини Базель III талаблари асосида такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки бугунги кунда “Фитч рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг ижобий рейтингини олган тижорат банклари сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, ушбу етакчи халқаро рейтинг

агентликларининг “барқарор” рейтингини олган тижорат банклари сони 26 тага етди. Шу билан бирга, “Мудис” рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истиқболларига берилган “барқарор” даражадаги рейтинг баҳоси ўтган йили кетма-кет учинчи йил қайта тасдиқланди. “Мудис” агентлигининг ҳисоботида қулай иқтисодий шароит, фаол инвестиция сиёсати ва банклар капиталлашувининг барқарор юқори даражаси ушбу прогнознинг асосий омиллари бўлди, деб қайд этилган. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобал номутаносибликларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти, шу жумладан банк-молия тизими муттасил барқарор ривожланмоқда.

“Бизнинг фикримизча, Ўзбекистондаги макроиқтисодий шарт-шароит банкларнинг умумий операцион муҳитига ижобий таъсир ўтказди, бунда депозитлар оқимининг ўсишидан ҳам, кредитга бўлган талабнинг ошишидан ҳам мамлакат банк тизими ютади” - деб таъкидланади рейтинг агентлигининг ҳисоботида. “Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентлиги эса, мамлакат банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқорига кўтарди. Бундан ташқари, Халқаро Валюта Фонди миссиясининг республикамиз бўйича баёнотида “Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти юқори даражада сақланиб турибди” деб, банк тизимининг ривожланишига ижобий баҳо берилди.¹

Таъкидлаб ўтиш жоизки, сўнги йилларда мамлакатимиз банк тизимини Базель талабларига мувофиқлаштириш борасида қатор самарали тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Лекин бу борада бажарилиши лозим бўлган бир қанча муаммолар ҳам йўқ эмас албатта!

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...Нима сабабдан пластик карточкаларни муомалага киритишдан илгари барча механизмлар пухта ишлаб чиқарилмаган? Нима учун кўплаб ташкилотлар, энг аввало,

¹Каримов И.А. 2015-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

бюджет ташкилотлари ходимлари–ўқитувчилар, врачлар, хизматчилар ва хатто пенсионерлар, айрим амалдорларнинг қўштирноқ ичидаги “янгилик”-ларидан қийналиш керак?² Ушбу фикрлар мамлакатимиз банк тизимидаги мавжуд камчиликларга жиддий эътибор қаратиб, уни Базель талаблари асосида такомиллаштириш пировардида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлашда етакчилик ролини бажаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда ички аудит бўйича тижорат банклари молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг ўзига хос тизими ташкил қилинган. Шунингдек, тижорат банклари Марказий банкка ҳар ой фаолиятининг қўп соҳаларини ўз ичига олган маълумотлар, баланс ҳисоботи, иқтисодий нормативлар ҳисоб-китоби, фойда ва зарарлар ҳисоботларини тақдим этадилар. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тижорат банклари олдида бозор конъюнктураси ўзгариши талабларига мослашган ҳолда молиявий-иқтисодий мураккабликларни енгиш ҳамда улар фаолиятини янада ривожлантириш вазифаларини қўймоқда. Мазкур вазифаларни амалга оширишда тижорат банклари молиявий натижаларини таҳлил қилишни, банк ички аудитини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, умуман банк-молия тизимини моҳирона бошқаришни талаб этади. Шу сабабли танланган мазкур мавзу жуда долзарб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ички аудит тизимини Базель талаблари асосида такомиллаштириш мазкур тадқиқотнинг **объекти** бўлиб ҳисобланади. Тадқиқотнинг **предмети** - тижорат банкларида ички аудит тизимини ташкил қилиш жараёнида содир бўладиган муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади банк ички аудит тизимини ўрганиш ҳамда уни такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

² Мирзиёев Ш.М Таниқидий таҳлил, қатий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон 2017. .

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

- тижорат банкларида ички аудитнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;
- тижорат банкларида ички аудитни ташкил этишга қаратилган назарий хулосаларни шакллантириш;
- тижорат банкларида ички аудитни ўтказиш жараёнини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;
- тижорат банкларида операцион таваккалчиликни ички аудитдан ўтказишни такомиллаштириш
- халқаро аудиторлик стандартлари талабларидан келиб чиққан ҳолда текширувни режалаштириш ва унинг объектини танлашда аудит мезонларидан фойдаланиш имкониятларини аниқлаш ва таклифлар бериш.

Илмий янгилиги янада аниқроқ тарзда қуйидагиларда намоён бўлади:

- республикада банк ички аудитини ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ечимлари ишлаб чиқилди;
- тижорат банкларини ички аудитдан ўтказишда халқаро банк амалиёти тажрибаси;
- тижорат банкларини ички аудит қилишда учрайдиган муаммолар ва уларни ечимлари аниқланди;
- тижорат банкларини ички аудит бўйича баҳолаш масалалари назарий ва амалий жиҳатдан асослаб берилди.

Диссертация тадқиқотнинг асосий ғоялари тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш юзасидан, Ҳукумат Дастурларини ишлаб чиқишда, Марказий банк йўриқнома ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда эътиборга олиниши мумкин.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тижорат банкларида ташкил этилган ички аудит хизмати фаолиятини тадқиқ қилиш натижасида берилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ички аудит хизмати фаолияти самарадорлигини оширади. Бу ўз навбатида, банк ички аудитини

комплекс тадқиқ қилишга, банкнинг функционал фаолияти самарадорлигини ошишига хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (тахлили). Аудиторлик фаолиятининг ривожланиш босқичлари ва унинг ташкилий - ҳуқуқий жиҳатлари А.А.Каримов, Х.Н.Мусаев, З.Т.Маматов, Ш.У.Ҳайдаров, Р.Д.Дўстмуратов, Б.А.Ҳасанов, Б.Қ.Ҳамдамов, С.Норқобилов, Ш.Н.Файзиев, А.З.Авлоқулов³ ҳамда хорижий олимлардан Л.Паапе, М.Аллегрини, А.Аренс Дж.Лоббек, Р.Додж, Р.Адамс, Д.Р.Кармайл, М.Бенис, Ф.Л.Дефлиз, Г.Р.Дженик В.М.О'Рейли⁴ ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритиб берилган.

Республикамизда ҳам аудиторлик фаолиятининг ташкил топиши ва ривожланиш масалалари А.К.Ибрагимов, А.С.Сотиволдиев, Ю.М.Иткин, Э.Ф.Гадоев, Н.Ю.Жўраев, Н.Ф.Каримов,

Бироқ мазкур олимларнинг изланишларида ички аудит, хусусан банк ички аудит тизимини банк нозорати бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи халқаро Базель кўмитаси талаблари асосида шакллантириш юзасидан қарашларнинг мавжуд эмаслиги ва бошқа бир қатор сабаблар республикамиз банк тизимида ички аудит фаолиятини халқаро меъёрлар

³А.К.Ибрагимов, Н.К.Ризаев, И.Н.Қўзиев, Б.Т.Бердияров, Б.Т.Қаюмов, К.Джураев. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини баҳолашни такомиллаштириш. -Т.: Молия, 2015. -160 б.; А.Х.Ибрагимов. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида тижорат банкларида ички аудитнинг ташкилий асослари. Ўқув кўлланма. -Т:Молия, 2013. -384 бет.; А.С.Сотиволдиев, Ю.М.Иткин. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси, 2002. 1-том 209 бет. 2-том. 243 бет.; Н.Ф.Каримов. Тижорат банкларида ички аудит: Монография. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА "Фан" нашриёти, 2006. -262 б.;

А.А.Каримов ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Шарк. 2006-450 бет.; З.Т.Маматов. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари, Тошкент: Тошкент молия институти. 2004, -348б.;

Р.Д.Дусмуратов. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: монография. Ўзбекистон Республикаси кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги; Тошкент Давлат аграр ун-ти. -Т: "Молия" нашриёти, 2007. -276 б.; Б.А.Ҳасанов, М.Ш.Зокиров, З.А.Алибаев. Ички аудитни такомиллаштириш асослари, Тошкент, "Фан", 2003. - 162 бет.; Б.Қ.Ҳамдамов. Аудит: умумий назария, Тошкент, ТМИ, 1999. 108 бет.; С.Норқобилов, О.Ф.Абдусаломова. Банкларда аудит. Ўқув кўлланма. Тошкент, Маънавият, 2005. - 176 бет.

⁴ Leen Paape. Corporate Governance: The Impact on the Role, Position, and Scope of Services of the Internal Audit Function - Erasmus University Rotterdam, 2007. P. 318; Allegrini, M, D'Onza, G., Paape, L., Melville, R, Sarens, G., (2006), The European literature review on internal auditing, Managerial Auditing Journal, 21: 845-853; Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит, пер.с англ/. Под.ред. проф. Я.В.Соколова - М.: "Финансы и статистика", 2001.ст-560; Додж Р. Краткое руководства по стандартам и нормам аудита, пер.с англ/. М.: "Финансы и статистика"; Кармайл Д.Р, Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ/. М-Аудит. ЮНИТИ, 1995; Ф.Л.Дефлиз, Г.Р.Дженик, В.М.О'Рейли и др. Аудит Монтгомери, пер.с англ/под.ред.проф. Я.В.Соколова - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. ст.-542; Адамс Р. Основы аудита, пер. с англ/под ред.Я.В.Соколова. - М.ЮНИТИ, 1995.СТ-398.

асосида ривожлантириш учун чуқур илмий изланишлар олиб борилишини тақозо этади.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотда гуруҳлаштириш, таққослаш, индукция, дедукция, балансли боғланиш, корреляция, регрессия каби таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Изланиш шаклида келтирилган таклифлар ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси банкларида ички аудит хизматини аҳамиятини ошириш ва амалга тадбиқ қилиш имконини беради деган фикрдамиз. Илмий ишдаги айрим таклифлар ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикасида банк назорати бўйича Базель қўмитаси талабларига мувофиқ ички аудит хизматини мувофиқлаштириш ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш масалаларини кўриб чиқилиши ишнинг аҳамиятини янада оширади.

Магистрлик ишининг тузилмасининг тавсифи. Магистрлик иши кириш, 8 та параграфни ўз ичига олувчи 3 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, назарий ва методологик асослари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида тижорат банклари ички аудитини моҳияти ва мақсади, Банк ички аудитига Базель қўмитаси томонидан қўйилган талаблари ёритиб ўтилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида тижорат банкларида ташкил этилган ички аудит фаолиятининг таҳлили ҳамда Базель Қўмитаси томонидан ички аудитга оид талабларнинг республикаимиз тижорат банкларида қўллаш ҳолати келтирилган.

Диссертациянинг учинчи бобида эса Базель Қўмитасининг банк ички аудитига оид талабларини амалиётда жорий этишдаги муаммолар шуниингдек, мазкур талабларни Ўзбекистон банк амалиётида қўллаш ва ривожлантириш истиқболлари кўриб ўтилган.

I БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Тижорат банклари ички аудит хизматини моҳияти ва мақсади

Инсоният тарихига бир назар солсак, жамият ривожлана бориши билан бирга жамиятда бўлаётган ходиса ва воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари, кутилиши мумкин бўлган ўзгаришларни ўрганувчи бир қатор табиий, иқтисодий ва гуманитар фанлар шакллана бошлади. Бу фанлар билан бирга иқтисодиёт фани ҳам жамиятда юз бераётган иқтисодий ҳодисаларни ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ҳамда жамиятдаги моддий неъматлар яратишдан тортиб, уни истеъмоли билан боғлиқ муаммоларни ўргана бошлади.

Жамият ривожлана бориши билан бирга ундаги иқтисодий муносабатларни ўрганиш, бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш, натижаларни ойдинлаштириш, олдиндан амалга оширмакчи бўлган имкониятларни таҳлил қилиш, келгуси ишларни режалаштириш сифатида аста секин шакллана бошлади. Шундай фаолият турларидан бири бу аудиторлик фаолиятидир.

Аудит фанининг шаклланиши, XVIII асрнинг ўрталарига бориб тақалади. Аудитнинг тарихий ватани Англия бўлиб, шу даврда аудиторлик ташкилотлари тўғрисида бир қатор қонунлар қабул қилинган. Ушбу аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунларга мувофиқ корхона ва ташкилотларда бир йилда камида бир марта бухгалтерия ҳисобварақларини текшириш ва акциядорлар олдида ҳисобот бериш учун махсус одам таклиф қилиш вазифаси юклатилган эди. Аудит тўғрисидаги қонун Англияда 1862 йилда чиқилган бўлиб, худди шундай қонун 1867 йилда Францияда ҳам қабул қилинган. Америка Қўшма Штатларида аудитнинг иқтисодиёт учун зарур эканлиги 1937 йилга келиб тан олинди ва тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Илмий адабиётларда ҳамда расмий ҳужжатларда банк ички аудитига турлича таъриф берилган.

Э.М.Аренс, Ж.К.Лоббеклар муаллифлигидаги “Аудит” номли китобда⁵ аудитга “Аудит мураккаб жараён бўлиб, маълум ваколатга, мустақил аудиторлик касб малакасига эга бўлган киши томонидан амалга ошириладиган ва хўжалик тизимидаги рақамлар ифодасига мос келадиган ахборот йиғади, баҳо беради, мамлакатдаги тартиб қоидаларга асосланиб, ўз хулосаларини беради” дея таъриф берилган.

Б.А.Ҳасанов ўзининг “Ички аудитни автоматлаштириш асослари” номли китобида⁶ “Аудиторлик фаолияти - бухгалтерия ҳисоботини мустақил экспертиза қилиш билан шуғулланадиган тадбиркорлик фаолияти бўлиб, у қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ ҳолда иқтисодиёт субъекти фаолиятининг ишончилиги тўғрисида аудиторлик хулосасини бериш, шунингдек, унинг молиявий барқарорлиги тўғрисидаги фикрни ифодалаш мақсадида ўтказилади” деган фикрни илгари суради.

Россиялик олим Ж.А.Кеворкова⁷ ўзининг изланишларида ички аудит хизматини самарали олиб боришда таъсир қилувчи омилларни ва уларнинг аҳамиятини келтириб ўтган. Бунда аудит хизмати тартибга солувчи омиллар сифатида ички аудит стандартлари, Базель қўмитаси талаблари, малака имтиҳонлари талаблари ва бошқалар келтирилган (1.1-расм).

Юқоридаги фикрлар асосан ташқи аудитга тегишлидир. Қуйида ички аудитга берилган айрим таърифларни келтириб ўтамиз. Н.В.Фадейкина “Банк назорати ва аудит” китобида⁸ “Ички аудит - бу корхона манфаати учун қоида бўйича ушбу корхона ходимлари ҳисобланган ички аудиторлар


⁵ Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит, пер.с англ/. Под.ред. проф. Я.В.Соколова - М.: “Финансы и статистика”, 2001 .ст-560

⁶ Б.А.Ҳасанов, М.Ш.Зокиров, З.А.Алибаев. Ички аудитни такомиллаштириш асослари, Тошкент, “Фан”, 2003.-162 бет.

⁷ Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры -М: Юрайт, 2014. -458 с.

⁸ Н.В.Фадейкина, Е.К.Болгова, М.Н.Скурихин, А.В.Брыкин. Банковский контрол и аудит. Учеб. пособие. -М: Финансы и статистика, 2002. -496 с.

томонидан амалга ошириладиган текшириш ва унинг фаолиятига баҳо беришдир” деган фикрни илгари суради.



1.1-расм. Аудит хизматини тартибга солиб турувчи асосий омиллар⁹

Аудиторлик фаолияти бизнинг мамлакатимизда янги фаолият турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда аудит 90-йилларнинг охирида мустақилликка эришилгандан сўнг ва бозор иктисодиётига ўтиш муносабати билан ривожлана бошлади. Нодавлат секторда корхоналар вужудга келиши билан аудит хизматига талаб юзага келди, чунки бозор инфратузилмалари ўзларининг фаолиятларига мустақил баҳо берилишига эҳтиёж сездилар.

Ўзбекистонда аудитни ривожланишига кадрларни тайёрлаш ва нормалар ишлаб чиқиш фаолияти билан шуғулланувчи Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Ассоциацияси катта ҳисса қўшди. Аудитни ривожланишида аудиторларнинг профессионал тайёргарликлари муҳим рол ўйнайди. Ушбу келтирилган омиллар ички аудит хизмати фаолиятини ташкил этиш билан бирга, текширув жараёнини олиб бориш ҳамда унинг сифати ва самарадорлигини тامينлаш учун ҳам хизмат қилади. Масалан бугунги кунда тижорат банклари ички аудит хизмати фаолияти “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонун, миллий аудиторлик фаолияти стандартлари ва Ўзбекистон Республикасида Марказий банкнинг ички аудит фаолиятини

⁹ Кеворкова Ж. А. Международные стандарты аудита: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. -М: Юрайт, 2014. -44 с.

ташқил қилиш борасидаги тавсияларига кўра амалга ошириш билан бир каторда, ички аудит бўйича халқаро аудит стандартлари риоя этилиши аҳамияти каттадир.

Мамлакатимизда аудитни ривожланиши борасидаги дастлабки ишлар акциядорлик жамиятлари, хусусан акциядорлик жамияти шаклидаги банкларда аудиторлик фаолиятини йўлга қўйиш билан бошланди.

Тижорат банклари фаолиятига реал баҳо бериш ва омонатчилар, кредиторлар ва инвесторларнинг банк фаолияти тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишларида аудит хизмати фаолияти муҳим аҳамиятга эгадир. Аудитнинг асосий фаолияти субъектнинг иқтисодий аҳволига боғлиқ фактларни йиғиш ва баҳолашдир. Юқоридагиларни ҳисобга олиб аудитнинг қуйидаги асосий фаолият турларини кўришимиз мумкин.

Биринчидан, ҳар қандай аудиторлик фаолиятини юриштининг мажбурий шарти бўлиб унинг чегараси ҳисобланади. Бундай чегаралар муайян иқтисодий субъектнинг ўлчамлари ёки тармоқ аудитида маълумот тизимини текшириш билан аниқланади.

Иккинчидан, аудитор аудит объекти ва уни ўтказилишидан манфаатдор бўлганлар ўртасидаги “ахборот бўшлиғини” тўлдиришга ҳаракат қилади. Бу асосан ҳисоботларда айрим маълумотларни етишмаслиги ёки ҳисоботдаги маълумотлар ишончилигини баҳолаш ҳамда қарор қабул қилиш учун фойдаланишда намоён бўлади.

Учинчидан, аудит ўтказётган шахсларнинг малакаси асосий шартлардан ҳисобланади. Аудитор керакли маълумотларни йиғиш ва ўлчовларни тушуниш орқали маълумотларни баҳолашни яхши билиши керак. Бундан ташқари, аудитордан муомала меъёрларига риоя қилиш талаб қилинади. Аудитнинг мақсади - тақдим қилинаётган ҳисоботлар тўғрилиги, хўжалик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатини акс эттириши, унинг қонунийлиги ҳамда молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби талабларига мос келишини аниқлашдан иборатдир.

Ташқи ва ички аудит ўртасидаги сезиларли фарк уларнинг мақоми, асосий вазифалари ва аудиторлик текширувини бажариш вақтига караб ажратилади. Ички аудит асосан мулкдорлар манфаатларига хизмат килиб, унинг асосий вазифаси банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида унинг акциядорлари учун ахборот тайёрлашдар иборат. Хорижий олимлардан Ж.А.Кеворкова ички ва ташқи аудитни қуйидаги факторлар бўйича фарқлайди (1.1-жадвал).

1.1-жадвал

Ташқи ва ички аудитнинг фарқли жиҳатлари¹⁰

Факторлар	Ташқи аудит	Ички аудит
Текшириш объекти	Аудит қилинадиган шахснинг ҳисоб, ички назорат ва ҳисобот тизими	Ташкилотнинг бошқарув тизими
Текшириш субъектлари	Аудиторнинг малака сертификатиға ҳамда ўз-ўзини бошқарувчи бир аудиторлик ташкилотининг аъзолиғига эга мустақил аудиторлар (экспертлар)	Ташкилотнинг штатидаги ҳамда ўзининг раҳбариятиға бўйсинувчи ходимлар
Текширишнинг асосий вазифаси	Учинчи шахслар эҳтиёжи учун хулоса бериш мақсадида ҳисоботларнинг ишончилиғига баҳо бериш ва бухгалтерия ҳисобига оид қонунчиликка амал қилишини тасдиқлаш	Ташкилотнинг бошқарувини тегишли функционал вазифасини бажариш
Текшириш қоидалари	Текшириш вақтида мамлакатда амалда бўлган аудиторлик стандартлари (қоидалари)	Аудиторлар томонидан танланади ёки ички аудит стандартларига асосан белгиланади
Фаолият тури	Тадбиркорлик фаолияти	Ижро фаолияти
Ишни ташкил этилиши	Аудитнинг нормалари ва қоидаларидан келиб чиққан ҳолда аудиторлар томонидан белгиланади	Раҳбариятнинг аниқ топшириқлари бажарилади
Аудиторлар ва мижозлар ўртасидаги муносабат	Тенг шартлар асосида қурилади (мустақиллик, тенглик ва шериклик тамойиллари асосида)	Бўйсунуш тартибида қурилади (аудиторлар қорхона раҳбариятиға бўйсунди)
Аудиторлар квалификациям	Давлат томонидан қатъий белгиланади	Ташкилотнинг раҳбарияти томонидан белгиланади
Аудиторларға ҳақ тўлаш	Хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномаға асосан амалға оширилади	Ташкилотнинг штат жадвалиға кўра иш ҳақи тарзида тўланади

¹⁰ Кеворкова Ж. А. Международные стандарты аудита: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры. -М: Юрайт, 2014. -45 с.

Юқоридаги 1.1-жадвалдан кўриш мумкинки, Россиядаги ҳамда Ўзбекистондаги ташқи ва ички аудит фаолиятининг асосий жиҳатлари деярли бир хил. Тижорат банклари фаолиятини ташқи аудитдан ўтказиш банк ва мустақил аудиторлик фирмалари ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Ички аудит банкларда ташкил қилинган ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади. Унинг асосий мақсади банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган камчилик ва муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича тегишли маслаҳатлар бериш, ички меъёрий ҳужжатларга мос келишини ва келгуси истиқболларни белгилаш имкониятларини кўрсатишдир.

Маълумки, тижорат банклари жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини жалб қилган ҳолда, риск билан иш юритади. Шу сабабли, банклар учун аудит хизмати фаолияти жуда муҳим ҳисобланади. Ички аудит ходимларининг ўз зиммаларидаги вазифаларни бажариши қандай ташкил этилганлиги ва сифатини ички назорат қилиш тизимининг самарадорлигини текшириш ҳамда баҳо беришни ўз ичига олиши лозим.

1.2. Банк ички аудитини ташкил қилишнинг услубий асослари

Бугунги кунда республикамиз тижорат банкларида ички аудит фаолияти умум қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиб, ушбу жараённинг шаклланишида масъул давлат ташкилотлари билан бир каторда, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, Ўзбекистон аудиторлар палатаси, Ўзбекистон профессионал бухгалтерлар ва аудиторлар ассоциацияси вакиллари фаол иштирок этишлари аудитнинг жаҳон андозалари талаблари асосида ривожланишига ижобий омил бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Республикамизда ҳозирги даврда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи идоралар ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, давлат ва жамоат аудиторлик ташкилотларининг роли ва функцияларини аниқлаш жараёни кечмоқда. Бу аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар

тизимининг юзага келишига омил бўлмоқда. Мазкур тизим ўзининг ахамиятига кўра бир неча поғонадан иборат бўлиб, биз уларни 1.2 - жадвал орқали кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудитни ривожлантириш босқичлари жаҳон амалиёти тажрибасидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу босқичларнинг асосий негизи ташқи аудитнинг ривожланиш тарихи билан боғлиқ бўлиб, тижорат банкларида ички аудит тизими ташкил топиши ҳам ушбу жараённинг якуний бўғинидир.

1.2-жадвал

Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий базаси¹¹

Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва нормалар	Мақсадлари	Асослари
Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги Қонун	Молиявий иқтисодиёт тизимида аудитнинг ахамияти ва вазифаларини белгилаб беради	1992 йилда қабул қилинган ва 2000 йил 26 майда янги таҳрири қабул қилинган
Қонуний ва меъёрий ҳужжатлар	Аудиторлик фаолиятини тартибга солиш учун хизмат қилади	Аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлган лицензия бериш ва сертификациялаш бўйича умумий меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган
Аудиторлик фаолияти андозалари	Аудиторлик фирмалари томонидан риоя қилиниши лозим бўлган талабларни белгилайди	Халқаро аудиторлик андозалари асосида аудитнинг миллий стандартлари ишлаб чиқилган
Махсус аудиторлик фаолияти бўйича андозалари, вазирликлар ва ташкилотлар ички меъёрий ҳужжатлари	Аудиторлик фаолиятининг йўналишлари бўйича махсус қоидаларни белгилайди	Марказий банк томонидан банкларда аудит текширувларини ўтказиш учун махсус қоидалар белгиланган
Ички аудит андозалари	Тижорат банкларида ҳамда хўжалик юритувчи субъектлари ички аудит механизмини белгилайди	Марказий банк томонидан банкларнинг ички аудит хизмати учун қоидалар ишлаб чиқилган

Ўзбекистонда аудиторлик фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тизимининг иккинчи поғонаси ҳужжатларида аудиторлик фаолиятини тартибга солишнинг бозор субъектлари томонидан

¹¹ Каримов Н. Тижорат банкларда ички аудитни ташкил қилиш масалалари “Бозор, пул ва кредит” журнали. 2010 йил 10-сон.

бажарилиши мажбурий бўлган умумий масалалар низом кўринишида белгилаб берилган.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг учинчи поғонасини аудиторлик фаолияти андозалари ташкил этилиб, уларнинг асосий вазифалари молия-хўжалик фаолиятининг барча субъектлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бир хил талқин қилинувчи аудит меъёрлари ва улардан фойдаланиш услубларини қамраб олишдан иборатдир.

1. Аудитга доир қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари қуйидаларни ўз ичига олади: “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни¹², дастлаб 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган ва янги таҳрирда 2000 йил 26 майда қабул қилинган.

2. “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори.

3. “Аудитор малака сертификатини бериш тўғрисида”ги низом¹³ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 13 октябрда 977-сон билан рўйхатга олинган.

4. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари¹⁴.

5. Ўзбекистон Аудиторларининг касбга оид ахлоқ кодекси Ўзбекистон Аудиторлар палатасининг 2005 йил 25 июн 3-сон, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясининг 2005 йил 4-сон қарорлари билан тасдиқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сонли қарори билан тасдиқланган “Аудиторлик

¹² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 33-сон, 439-модда

¹³ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2013 г., № 35, ст. 472

¹⁴ www.mf.uz Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги расмий веб сайти.

ташкilotлари тўғрисида” Низоми¹⁵ га мувофиқ, 2009 йил 1 августгача барча лицензия олган ва янгидан ташкил этиладиган аудиторлик ташкilotлари жами Устав капиталининг 51 фоизи аудиторларга тегишли бўлиши ҳамда унинг 49 фоизи пул кўринишда қўйилишини таъминлашлари шарт. Тижорат банкларида ташқи аудит текширувини ўтказиш ҳуқуқига Марказий банк лицензиясига эга бўлган учинчи гуруҳ аудиторлик ташкilotлари эга бўлади.

Аудиторлик текшируви натижалари кўпчилик иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун асос бўлганлиги сабабли барча давлатларда аудит етарли даражада қатъий тартибга солинади. Уларнинг айримларида масалан, Францияда аудитнинг меъёрлари, меъёрий ҳужжатлари, аудиторлар ва аудиторлик фирмаларини рўйхатга олиш ва улар фаолияти устидан назоратни амалга ошириш йўли билан давлат ушбу жараёнга аралашади. Бошқа давлатларда (АҚШ, Англия) ушбу жараён касбий ижтимоий аудиторлик ташкilotлар томонидан тартибга солинади.

Мамлакатимизда шаклланган ва ривожланаётган аудиторлик фаолиятини ҳуқуқий-меъёрий тартибга солиш тизимини учта поғонага бўлиш мумкин. Ушбу тизимнинг биринчи поғонасида — Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) ҳамда мазкур Қонунни амалга ошириш мақсадида қабул қилинган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларини туради.

Аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг иккинчи поғонаси — Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларини (АФМС) ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олади. Аудиторлик фаолияти миллий стандартлари (АФМС) - бу барча аудиторлик ташкilotлари ўзларининг профессионал фаолиятлари жараёнида риоя қилишлари лозим бўлган ягона тартибга солиб турувчи меъёрий ҳужжатлардир. Стандартлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб тасдиқланади ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинади. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 15-сон, 155-модда; 2008 й., 28-сон, 264-модда; 2009 й., 52-сон, 560-модда; 2012 й., 40-сон, 466-модда; 2014 й., 35-сон, 444-модда

фаолияти миллий стандартлари (АФМС) Аудитнинг Халқаро Стандартлари негизида ишлаб чиқилади ва асосан аудиторлик текширувларини ўтказиш қоидаларини белгилайди. Бу қоидалар молия-хўжалик фаолиятининг барча субъектларида бир хил қўлланилади. Ҳозирги кунгача 21 та АФМС ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида аудиторлик стандартларига риоя қилиш аудит сифатини ва унинг натижалари ишончлилигини кафолатлайди.

Аудиторлик стандартларининг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

- уларга риоя қилинганда аудиторлик текширувларининг юқори сифатли бўлиши таъминланади;
- аудиторлик амалиётига янги илмий ютуқларни жорий қилишга ёрдам беради;
- муайян вазиятларда аудиторлар қандай иш тутишларини белгилаб беради.

Учинчи поғона — халқаро ва миллий стандартларни тадбиқ қилиш учун зарур ҳужжатлар тўплами. Яъни аудиторлик ташкилотининг ички иш стандартларидан иборат. Бу ҳужжатлар стандартларни қўллаш ва улар асосида аудиторлик фаолиятини ташкил этишга доир маълумотларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунини амалга ошириш, аудиторлик текширувларнинг роли ва мақомини ошириш, солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан аудиторлик хулосаларини ҳисобга олишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси “Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширувларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида” 2000 йил 22 сентябрда 365-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорни амалга тадбиқ этиш учун “Аудиторлик хулосаларини солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олиш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланган.

Юртимизда аудит фаолиятини, хусусан уни банк соҳасидаги ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, республикада банк тизими

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтишида биринчилардан бўлганлиги ҳамда тижорат банкларининг фаолиятини аудитдан ўтказишда етакчи хорижий аудиторлик ташкилотларини жалб қилинишини тахсинга сазовор. Банк фаолиятини аудит қилиш учун жалб қилинган аудиторлар банк ҳисоботларини халқаро тан олинган андозалар асосида аудитдан ўтказиб, хорижий фойдаланувчилар учун ҳам тушунарли бўлган хулосалар беради. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан корхоналар, шу жумладан банклар ўз ҳисоботларини аудитор томонидан тасдиқлагандан кейингина омма эътиборига ҳавола қилишига рухсат этилади. Бу ҳам ўз ўрнида, аудитнинг аҳамиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Банк назоратини ва аудитини ислоҳ қилиш доирасида 1998 йилда Марказий банкнинг банкларда ташқи аудит, ички аудит ва ички назорат тизимини тартибга солувчи 3 та ҳужжати қабул қилинди. Кейинчалик ушбу ҳужжатлар янада такомиллаштирилиб, ҳозирги кунда банк аудитини қўйидаги меъёрий ҳужжатлар тартибга солади:

- Марказий банкнинг Адлия вазирлигида 2000 йил 4 ноябрда 982-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикасида банкларни аудиторлик текшируви тўғрисида”ги Низоми¹⁶ (Янги таҳрири);

- Марказий банкнинг Адлия вазирлигида 2004 йил 20 апрелда 992-1-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низоми¹⁷ (Янги таҳрири).

“Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги Низомга кўра, ҳар бир банк Ички аудит хизматини ташкил этиши, шунингдек банк Кенгаши тасдиқлайдиган “Ички аудит хизмати тўғрисидаги низом”, “Ички аудитни ўтказиш тартиби ва

¹⁶ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., № 22, ст. 261; 2015 г., № 37, ст. 499

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 16-сон, 192-модда; 2011 й., 17-сон, 176-модда

жараёнлари” ҳамда “Бош ички аудитор лавозим йўриқномаси”ни ишлаб чиқиши ва амалга киритиши шарт.

Мазкур Низомда банкларда Аудиторлик қўмитасининг ташкилий асослари, аудит хизматининг мақсадлари, вазифалари ва функциялари, аудит хизмати раҳбарияти, аудит хизматининг мустақиллиги, аудит хизмати ходимларининг ваколатлари ва жавобгарлиги, аудит хизмати ходимларига нисбатан қўйилган талаблар, ички аудитни ўтказишга нисбатан қўйиладиган асосий талаблар, аудиторлик ҳисоботиغا қўйиладиган талаблар ҳамда аудит хизматининг Марказий банк ва банк ташқи аудитори билан ўзаро муносабатлари белгиланган.

Низомда ички аудитнинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида унинг мустақиллигига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, низомнинг 19-бандида аудит хизмати мустақиллиги ва у бевосита банк Кенгаши ёки унинг Аудиторлик қўмитасига бўйсунуши қатъий белгилаб қўйилган. Шунингдек, 24-бандида Аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари банк Кенгаши томонидан белгиланиши, бош аудитор ҳар йили Аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқиши ва уни банк Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиб бориши лозимлиги қайд этилган.

Банк аудитини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштирилиб борилмоқда. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасида банкларни аудиторлик текшируви тўғрисида” ги Низомга Марказий банкнинг 2015 йил 5 сентябрдаги 24/8-сонли қарорига асосан ўзгартириш ва қўшимчалар¹⁸ киритилди ва бу қарор Адлия вазирлигида 2015 йил 16 сентябрда 982-2-сон билан рўйдатга олинди. Тижорат банклари ички аудити ҳуқуқий базасининг такомиллашуви ўз навбатида банк барқарорлигини таъминлаш ҳамда тизимда ижобий таъсирини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

¹⁸ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2015 г., № 37, ст. 499

1.3. Банк ички аудитига Базель Қўмитаси томонидан қўйилган талаблар

Банк назорати бўйича Базель Қўмитасининг Базель-2 Халқаро стандартларига кўра, молия институтларида албатта ички аудит бўлими ёки аудитор бўлиши мажбурийлиги кўрсатиб ўтилган. Хусусан, мазкур стандартнинг 443-бандида¹⁹ “ички аудитор ёки тегишли мустақил бўлинмалар камида бир йилда бир марта банкнинг рейтинг тизимини текшириш, шу жумладан кредит бўлими фаолиятини барча минимал талабларга жавоб беришни баҳолаш лозим” лиги қайд этиб ўтилган. Шу билан бирга, Базель қўмитаси томонидан 1998 йилдан буён банк ички аудити бўйича янги стандартлар жорий қилиниб, уларни замон талабига мос равишда янгилаб келмоқда. 2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасин ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344 сонли Қарорида²⁰ Марказий банкка Банк назорати бўйича Базель Қўмитаси тавсия қилган “Самарали корпоратив бошқарув тамойиллари” ни банк фаолиятига жорий қилиш вазифаси юклатилди. Бу борада халқаро Базель Қўмитаси томонидан 2014 йил октябрь ойида чоп этилган “Банклар учун корпоратив бошқарув тамойиллари”²¹ нинг 139-бандида Банк Кенгаши ва бошқаруви мустақил малакали ички аудит хизмати бошқарув жараёнининг самаралилиги учун жуда муҳимлигини тушуниш ва эсда сақлаш лозимлиги қайд этилган. 1990 йилларнинг охирига келиб бир қатор кредит ташкилотлари томонидан сезиларли даражадаги йўқотишларга дуч келганлиги сабабли банк назорати бўйича Базель Қўмитаси ички назорат тизимининг ҳолатига алоҳида эътибор қарата бошлади. Бу йўқотишлар бўйича муаммоларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, бу тизим банкларни йўқотишлардан сақлаб қолиши мумкин эди. Қўмитанинг бу соҳадаги ишлари асосан бухгалтерия ҳисоби махсус комиссиясининг аудит ишчи гуруҳи томонидан амалга оширилади. Ушбу

¹⁹ Международная конвергенция измерения капитала и стандартов капитала: Уточненные рамочные подходы. Июнь 2004. Банк международных расчетов 2004.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2015 й. 18-сон, 217-модда.

²¹ Corporate governance principles for banks. BCBS Basel 2014.

гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар бошқа ташкилотларнинг стандартлари билан мувофиқлаштириб борилади. Базель Қўмитасининг бу борадаги ишларининг натижаси сифатида 1998 йилнинг охирига келиб ички назорат тизимини баҳолаш юзасидан қуйидаги ҳужжатларни чоп этди:

1998 йил сентябрь

Framework for internat systems (Ички назорат тизими учун стандартлар)

2001 йил август

Internal audit in banks and the supervisor's relationship with auditors (Банкларда ички аудит ва назорат органининг ички аудит билан алоқалари)

2011 йил декабрь


The internal audit function in banks. Consultative document. (Банкларда ички аудит хизмати. Консултатив ҳужжат).

2012 йил июнь

The internal audit function in banks. (Банкларда ички аудит хизмати).

1.2-расм. Базель Қўмитасининг банк ички аудити бўйича стандартлари²²

Аудит кичик гуруҳи томонидан 1998 йил сентябрь ойида “Ички назорат тизимининг стандартлари”ни чоп қилди.²³ Ушбу ҳужжат банкларда ички назорат тизимининг 3 та бўғинга, яъни ташқи аудит, ички аудит ва ички назоратга ажратиб, бу бўғинларнинг барчаси учун таалуқли бўлган стандартларни белгилайди. (1.3-расм)



²² www.b

²³ <http://w>

1.3-расм. Банк ички назорат тизими бўғинлари²⁴

Таъкидалаб ўтиш жоизки, мамлакатимиз банк тизимида аудит институтини шакллантиришда (1998 йилдан бошлаб) умумэтироф этилган халқаро аудит стандартлари ва илғор хорижий тажрибадан кенг фойдаланилган.

Маълумки, 1998 йилда Марказий банк томонидан банк соҳасига ташқи ва ички аудит ҳамда ички назорат тизимини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуи ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатларни ишлаб чиқишда бевосита банкларда ички назорат тизимини йўлга қўувчи ҳужжат бўлган Базель Қўмитасининг “Ички назорат тизимининг стандартлари” ҳужжати муҳим асос бўлди.

Кейинчалик Базель Қўмитаси томонидан банк назоратининг 3 та бўғинига алоҳида ҳужжатлар бўйича иш олиб борди. Ушбу ишларнинг натижаси улароқ, 2001 йил август ойида “Банкларда ички аудит ва банк назорати органининг аудит билан алоқалари” деб номланган ҳужжатни ишлаб чиқди.

Ушбу ҳужжатда юқорида қайд этилганидек, банк ички назорат тизимиинг 2-бўғини бўлган ички аудит хизмати учун стандартларни белгилайди. Шунингдек, бу ҳужжатда ички аудитнинг банкни назорат қилувчи орган (аксарият давлатларда – Марказий банк) билан муносабатларни белгилаб беради. 2007-2009 йиллардаги жаҳон молиявий иқтисодий-инқирозидан олинган сабоқлар натижаси Базель Қўмитаси инқироз ҳолатини олдини олиш мақсадида қатор ҳужжатларини қайта кўриб чиқди ва 2011 йил декабрь ойида “Банкларда ички аудит хизмати” Консултатив ҳужжати²⁵ чоп қилинди.

²⁴ Амалдаги банк қонунчилиги асосида муаллиф ишланмаси.

²⁵ <http://www.bis.org/publ/bcbs/84htm>

Аудит кичик гуруҳи томонидан 2011 йил декабр ойидаги “Банкларда ички аудит хизмати”²⁶ Консултатив ҳужжати ҳамда унга Базель Қўмитасига аъзо давлатлар Марказий банклари ва йирик банклари томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида 2012 йил июнь ойида “Банкларда ички аудит хизмати”²⁷ деб номланган якуний ҳужжатни чоп этди.

Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан ушбу қайта кўриб чиқилган назорат қўлланмаси қўмитанинг доимий саъй-ҳаракатларининг бир қисми бўлиб, банкларда ички аудит хизматини самарадорлигини баҳолаш мақсадида чиқарилган.

Бу ҳужжат 2001 йилдаги “Банкларда ички аудит ва банк назорати органининг аудит билан алоқалари” тўғрисидаги ҳужжатнинг ўрнини босади. Бу ҳужжат шунингдек, назорат амалиётларидаги ҳамда банк муассасаларидаги ривожланишларни ҳисобга олади ва молиявий инқироздан олинган хулосаларни ўз ичига олади.

Ҳужжат банкларда етарли ваколат, мустақиллик, ресурс ва банк Кенгаши тўғридан-тўғри алоқа ҳуқуқига эга ички аудит хизмати бўлиши лозимлигини талаб қилувчи Базель Қўмитасининг кучли корпоратив бошқарув принципларига асосланади. Мазкур ҳужжат қуйидаги уч қисмга бўлинган 20 та тамойиллардан ташкил топган:

- биринчи қисм: “Банк назорат органининг ички аудит хизматига доир талабларининг моҳияти”

- иккинчи қисм “Банк назорати органининг ички аудит хизмати билан алоқалари”

- учинчи қисм “Ички аудит фаолиятини банкларни назорат органи томонидан баҳолаш” деб номланади. Бундай талқин банк муассаларида кучли аудит хизматини ташкил этишга хизмат қилади. Шунингдек, ҳужжат банк ички аудиторларини миллий ва халқаро стандартларига риоя қилиш ва

²⁶ <http://www.bis.org/publ/bcbs210.htm>

²⁷ <http://www.bis.org/publ/bcbs223.htm>

уларни ривожига ўз ҳиссасини қўшишни рағбатлантириб, провардидида чуқур ўйланган ички аудит стандартларини ва тартибларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Демак, ушбу ҳужжатдаги тамойиллар қуйидагича ташкил этилади²⁸

А. Банк назорати органининг ички аудит фаолиятига доир талаблари билан боғлиқ тамойиллари.

1-тамойил. Самарали ички аудит банк Кенгашига ва бошқарувига банк ички назорат тизими, рискларни бошқариш (риск менежменти) ва бошқарув тизими ва жараёнини сифати ва самарадорлиги мустақил фаолият кафолатини таъминловчи бўғин ҳисобланиб, бу билан банк кенгашига ва бошқарувига банкни ва уни репутациясини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

2-тамойил. Банк ички аудит қилинаётган амалиётлардан мустақил бўлиши лозим. Бу эса ички аудитдан банкда етарли обрў ва нуфузга эга бўлишини талаб қилиб, ички аудиторларни ўз вазифаларни холисона бажаришга имконият яратади.

3-тамойил. Ҳар бир ички аудиторни, шунингдек ички аудиторларни коллектив билим ва тажрибаларни ўз ичига олувчи профессионал компетенция банк ички аудитининг самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омилдир.

4-тамойил. Ички аудиторлар ҳалоллик билан ҳаракат қилишлари лозим.

5-тамойил. Ҳар бир банк 1-тамойилда қайд этилганидек самарали ички аудит хизматини кўрсатиш методларини аниқлайдиган ички аудитнинг мақсади, банкдаги обрўси ва нуфузини аниқ белгиловчи ички аудит уставига эга бўлиши лозим.

6-тамойил. Банкнинг ҳар қандай фаолияти (шу жумладан аутсорсинг фаолияти) ва банк томонидан ташкил қилган ҳар қандай ташкилот банк ички аудит хизматининг умумий фаолият соҳасини ўз ичида бўлиши зарур.

²⁸ Инглиз тилидан муаллиф таржимаси

7-тамойил. Ички аудит хизматининг фаолият доираси аудит режасига асосан регулятор эътиборидаги масалаларни ўз ичига олинишини таъминлаш лозим.

8-тамойил. Ҳар бир банк доимий асосдаги ички аудит хизматига эга бўлиши лозим. Агар банк банклар гуруҳи ёки ҳолдинг компаниясини бир бўғини бўлса, ички аудит хизмати 14-тамойилида қайд этилганидек ташкил этилиши зарур.

9-тамойил. Банк бошқаруви томонидан етарли, самарали ва таъсирчан ички назорат тизмининг жорий қилинганлиги ва уни қўллаб-қувватланишини таъминлаш юзасидан банк Кенгаши умумий маъсульятли орган ҳисобланади, мос равишда, кенгаш ички аудит хизмати ўзининг вазифаларини бажаришга кўмаклашиши лозим.

10-тамойил. Банк аудиторлик қўмитаси ёки унга тенглаштирилган орган банк ички аудит хизматини назорат қилиши лозим.

11-тамойил. Ички аудит департаменти директори департаментнинг ички аудит стандартларига ҳамда тегишли этика кодексига амал қилишни таъминлашга жавоб берадилар.

12-тамойил. Ички аудит хизмати Ички аудит низомида белгилангани каби ўзининг вазифаларини бажаришга алоқадор барча масалалар юзасидан банк кенгашига ёки унинг аудиторлик қўмитасига ҳисобдор.

13-тамойил. Ички аудит хизмати ички назорат, риск менежменти ва бошқарув тизимини самарадорлигини ҳамда бўлинма (филиал) лар ва ёрдамчи хўжаликлар томонидан ташкил этилган жараёнларни мустақил равишда баҳолаш ва ушбу тизимлар ҳамда жараёнларни кафолатини таъминлаш лозим.

14-тамойил. Банк бирлашмаларидаги барча банкларда ички аудитни узвийлигини таъминлаш мақсадида банк гуруҳи ёки холдинг компаниясидаги ҳар бир банкнинг Кенгаши қуйидагиларни таъминлаш зарур:

а) банк ўзининг банк кенгашига бўйсинувчи ҳамда банк гуруҳи ёки холдинг компаниянинг бош ички аудиторида ҳисобдор бўлган ички аудит хизматида эга; ёки

б) банк гуруҳининг ёки холдинг компаниянинг ички аудит хизмати банк кенгаши ўзининг вазифалари бажаришни тўлиқ таъминловчи ички аудитни амалга оширади.

15-тамайил. Ички аудит аудиторсинг қилинишидан қатъий назар, банк кенгаши ички аудит хизмати учун маъсулдир.

Б. Банк назорат органининг ички аудит хизмати билан алоқаларига доир тамайиллар.

16-тамайил. Банк назорат органлари тижорат банклари банк ички аудиторлари билан қуйидаги мақсадларда мунтазам алоқада бўлиши лозим:

а) ҳар иккала томон аниқланган рискларни муҳокама қилиш;

б) банк томонидан қабул қилинган рискларни камайтириш чораларини тушуниш;

в) аниқланган заиф томонларни англаш ва банкнинг ушбу заиф томонларга ёндашувини мониторинг қилиш.

В. Банк назорат органи томонидан ички аудит хизматини баҳолашга доир тамайиллар.

17-тамайил. Банк назорат органи банк ички аудит хизмати банкда етарли обрў ва нуфузга эгаллигини ва тегишли ички аудит принципларига асосан фаолият юритаётганлигини мунтазам баҳолаш зарур.

18-тамайил. Банк назорат органи ички аудит хизмати фаолиятидаги камчиликлар ҳамда банк кенгашига расмий хабар бериши банк кенгашидан камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чора кўришни талаб қилиш лозим.

19-тамайил. Банк назорат органи тижорат банкоари ички аудит хизмати фаолиятини баҳолаш банкнинг риск профилига баҳо беришга ва ўзининг назорат функциясини амалга оширишга таъсир этишини қабул қилиши лозим.

20-тамойил: Банк назорат органи банк кенгаши ва бошқарувидан банк ички аудит хизмати фаолиятида аниқланган ҳар қандай камчиликларни белгиланган вақтда бартараф этиш чораларини кўришни ҳамда назорат органига даврий ёзма ҳисоботлар бериб борилишини талаб қилувчи расмий ва норасмий назорат ҳаракатларга тайёр бўлиши лозим.

Шу билан бирга, банк назорати Базель қўмитаси томонидан банклар учун ўзларининг ички ҳужжатларни ишлаб чиқишда қўлланма бўлувчи банк аудиторлик қўмитасининг мақсад ва вазифаларини белгиловчи “Аудиторлик қўмитаси тўғрисида”ги низом ҳамда ички аудитнинг ролини ифодаловчи “Ички аудит тўғрисида”ги низоми шакли ҳам (мос равишда 2014 йил 12 май, 2014 йил 10 ноябр саналарида) чоп қилинган. Мазкур талабларнинг республикамиз банк амалиётига самарала татбиқ қилишни такомиллаштириш назорат соҳасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

I боб бўйича хулоса

Мазкур бобда аудитнинг назарий жиҳатлари, унга Банк назорати бўйича Базель Қўмитаси томонидан қўйилган талаблар ҳамда аудитни ташкил этишнинг услубий асослари тахдил қилинди. Кўпгина олимлар томонидан аудит хусусан ички аудит фаолияти назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган ва ўзларининг илмий асарларида аудитнинг хусусиятлари очиб берилган. Шу билан бирга кўплаб илмий нашрларда банкнинг назорат тизими ҳамда ички аудит фаолияти ўрганилган.

Бироқ, банкларда ташкил этилган ички аудит хизмати банк назорати бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи Базель қўмитаси талабларига асосан ташкил этилиш жиҳатлари тўлиқ ўрганилмаган.

Базель қўмитаси томонидан банк назорати бўйича стандартлардан ташқари банк ички аудит хизматига талабларини белгиловчи “Банкларда ички аудит хизмати” номли ҳужжати ишлаб чиқилган ва 2012 йилда оммага эълон қилинган. Республикамизда банк аудитини амалга оширишнинг

меъерий- ҳуқуқий базаси шакллантирилган. Марказий банк томонидан банк аудитини ўтказишни янада ривожлантириш борасида ва уни жаҳон андозалари талабларига мос равишда ўтказиш борасида ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, Марказий банк томонидан Базель қўмитасини Ўзбекистонда жорий қилиш юзасидан босқичма-босқич чоралар амалга оширилиб келинмоқда.

II БОБ. ХАЛҚАРО БАЗЕЛЬ ҚЎМИТАСИНING ИЧКИ АУДИТ ТИЗИМИГА ОИД ТАЛАБЛАРИNING АМАЛИЁТДАГИ ҲОЛАТИ

2.1. Тижорат банкларида ташкил этилган ички аудит фаолиятининг таҳлили

Магистрлик ишининг ушбу бўлимида тижорат банклари ички аудит хизматини ташкил қилинишини Республикамиз илғор банкларидан бири бўлган АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” мисолида таҳлил қилинди. Бунда банкда ташкил этилган ички аудит хизмати фаолияти ва ташқи аудит ўтказилиш амалиёти ўрганилди. Бунда банкда ташкил этилган аудитнинг учта бўғини: Аудиторлик қўмитаси (1), ички аудит (2) ва ташқи аудит (3) фаолияти тадқиқ қилинди.

Аудиторлик қўмитаси. Банкда Аудиторлик қўмитаси ўз фаолиятини “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун, Марказий банкнинг меъерий ҳужжатлари ва банкнинг “Аудиторлик қўмитаси тўғрисида”ги Низоми асосида ташкил этади. Мазкур Низомга асосан Банк Кенгаши тегишли ички назорат тизимини ташкиллаштириш ва уни қўллаб қувватлаш мақсадида Кенгаш аъзоларидан таркиб топган Аудиторлик қўмитасини тузади.

Аудиторлик қўмитаси Банк Кенгашининг уч нафар аъзосидан тузилган. Аудиторлик қўмитаси раиси ва аъзолари Банк Кенгаши раиси тавсияси билан Кенгаш томонидан тасдиқланади. Аудиторлик қўмитаси таркибига кирувчи банк Кенгаши аъзолари банк фаолиятига жавоб берадиган бошқа Кенгаш қўмиталари аъзолари этиб тайинланмайди.

Қоидага кўра, Аудиторлик қўмитасининг камида битта аъзоси

молиявий ҳисоботларни тузиш бўйича малакага эга бўлиши ҳамда бухгалтерлик ҳисоби ёки аудит бўйича мутахассис бўлиши лозим. Банкда ушбу талабни бажариш мақсадида Аудиторлик қўмитаси таркибига мустақил аудиторлик ташкилоти аудитори киритилган.

Ички аудит. Ички аудит хизмати мустақиллик даражаси унинг олига қўйилган вазифаларга кўра таъминланиб, асосан банк кенгашининг савиясига ҳамда қонунчиликда ўрнатилган талабларга кўра шаклланади. Аудитнинг халқаро стандартларида аудит режалаштириш №300 стандарти ва Миллий Аудиторлик стандартларида 3-сонли стандартига асосида амалга оширилади. Шунингдек, банк Кенгаши томонидан АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Ички аудит бошқармаси тўғрисида” Низом тасдиқланган бўлиб, ушбу низом банкда ички аудит талабларини белгилайди. Мазкур низом умумий қоидалар, Ички аудит бошқармаси мақсади, структураси, вазифаси ва функцияси, бошқарма ходимлари ва молиявий ресурслари, бошқарма ходимларига қўйилган талаблар, уларнинг ваколати ва жавобгарлиги, ички аудитни ўтказишга талаблар ва аудит натижалари тўғрисида ҳисоботга қўйилган талабларни белгилайди.

Бошқарма ўз фаолиятида банкнинг ижро этувчи органидан мустақиллиги ва бевосита банк Кенгашига бўйсунуши ва ҳар чоракда банк Кенгашига ҳисобот бериб бориши лозимлиги белгиланган. Бу ҳолатлар ўз ўрнида, банкда ички аудитнинг ташкилий тузилиши Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг талабларига жавоб беришини англатади.

Шунингдек, низомга кўра Ички аудит бошқармасининг асосий мақсади банк Бошқаруви ва Кенгашига банк назорати ва фаолияти яқунлари юзасидан объектив таҳлил, баҳо, таклиф ва маълумотлар бериш орқали банк Кенгаши ва Бошқарувига банкнинг мақсадларига эришишда кўмаклашишдир.

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”да ички аудитни ўтказиш учун ҳар йили бир маротаба банк Кенгашининг тавсиясига асосан ички аудит ўтказиш учун дастур ишлаб чиқилади ва бошқарув томонидан келишилган ҳолда

банк Кенгаши томонидан ушбу дастур тасдиқланади. Ушбу дастур асосида текширув режаси тайёрланади ҳамда Кенгаш томонидан тасдиқланади.

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Ички аудит текширувлари бўйича 2015 йил учун аудит дастури тузилган бўлиб, унда аудит жараёнида ўтказиладиган амаллар белгиланган (2.1-расм).

№	Ички аудит дастури
1	АТБ“Ўзсаноатқурилишбанк” таъсис ҳужжатларини текшириш
2	Банк уставини таҳлили қилиш
3	Банк устав фондининг маблағлари, унинг тўлиқ ва ўз муддатларда шакллантирилганлиги
4	Банк муассаси ташкилий тузилмасанинг самарадорлигини текшириш
5	Кадрлар малакасини кўздан кечириш, сифатига аҳамият бериш
6	Банк активлари ҳолати ва убиан боғлиқ муаммоларни текшириш
7	Банкнинг хорижий валюта муомалаларининг таҳлили
8	Банк мижозлар сони, таркибий кўздан кечириш
9	Банк бухгалтерия балансини текшириш, таҳлил қилиш
10	Банкнинг молиявий ҳисоботларини таҳлил қилиш
11	Банкнинг бюджет билан ўзаро ҳисоб-китобларини текшириш
12	Иш ҳақининг ўз вақтида ва тўғри ҳисобланишини текшириш
13	Кредит йиғма жилдларини текшириш
14	Мижозларнинг юридик ҳужжатларини аудитдан ўтказиш
15	Мижоз билан ҳисоб-рақам бўйича шартнома тузилганлиги ва дебит оборотдан хизмат ҳақи ундирилишини аудитдан ўтказиш
16	Нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар бўйича хизмат кўрсатувчи ходимлар йиғма ҳужжатларини текшириш ва малака кўникмасани аниқлаш
17	Кунлик бухгалтерия ҳужжатларида нақд-пулсиз ҳисоб-китоблар ҳужжатларни аудитдан ўтказиш

2.1-расм. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 2015 йил учун ички аудит дастури²⁹

²⁹ www.uzpsb.uz АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” расмий веб сайти маълумотлари

Ташқи аудит. Банкда ташқи аудитни режалаштириш аудитни дастлабки режалаштириш, аудитнинг умумий режасини тайёрлаш ва тузиш, аудит дастурини тайёрлаш ва тузиш босқичларидан иборат.

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Ички аудит бошқармасининг 2015 йили иш режасига асосан шу йилда банкнинг 12 та филиали, Амалиёт бошқармаси ҳамда Бош банкнинг 5 та бошқармаси фаолиятини аудитдан ўтказиш билан бир қаторда банкни ташқи аудит текширувига тайёрлаш ва ташқи аудитнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташқи аудит текширувига кўмаклашиш кўзда тутилган (2.1-жадвал)

2.1-жадвал

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Ички аудит бошқармасининг 2015 йил учун иш режаси³⁰

№	Бажариладиган ишлар	Текшириш ўтказиш муддати	Текшириш давомийлиги
1	Банкнинг 2014 йил фаолияти бўйича ташқи аудитни ўтказишга тайёргарлик ва мувофиқлаштириш ишлари	2015 йил янв	15 иш куни
2	Тошкент шаҳар минтақавий филиали	2015 йил янв	20 иш куни
3	Ал-Хоразмий филиали	2015 йил янв	10 иш куни
4	Олмазор филиали	2015 йил фев	20 иш куни
5	Қатортол филиали	2015 йил мар	15 иш куни
6	Миробод филиали	2015 йил март- апр	20 иш куни
7	Бош офиснинг Валюта операциялари бошқармаси	2015 йил апр- май	15 иш куни
8	Мирзо-улуғбек филиали	2015 йил май	15 иш куни
9	Нодирабегим филиали	2015 йил май- июн	15 иш куни
10	Ракат филиали	2015 йил июн- июл	15 иш куни
11	Сирғали филиали	2015 йил июл- авг	15 иш куни
12	Учтепа филиали	2015 йил июл- авг	15 иш куни
13	Яшнобод филиали	2015 йил авг- сен	15 иш куни
14	Бош офиснинг Кредитлаш бошқармаси	2015 йил сен	15 иш куни
15	Шаҳристон филиали	2015 йил окт	15 иш куни
16	Чилонзор филиали	2015 йил окт	15 иш куни

³⁰ АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари

17	Банк фаолиятини дастлабки аудит қилиш бўйича ташқи аудит билан тайёргарлик ва мувофиқлаштириш ишлари	2015 йил окт- ноя	15 иш куни
18	Амалиёт бошқармаси, мини банклар билан бирга	2015 йил ноя	15 иш куни
19	Юнусобод филиали	2015 йил дек	15 иш куни

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан ташқи аудитни ўтказиш бўйича 2014 йил ва 2015 йилларда аудиторлик ташкилоти томонидан ижобий аудиторлик хулосалари олинган. Банкнинг 2015 йил якунлари бўйича PricewaterhousCoopers аудиторлик ташкилоти томонидан “бизнинг фикримизча, банкнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботлари ҳар томонлама Гуруҳнинг 2015 йил 31 декабрга ҳақиқий молиявий ҳолатини ишончли акс эттиради, шунингдек, унинг мазкур кунда якунланган йил учун молиявий натижалари ва пул оқими тўғрисидаги ҳисоботлари Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосан тузилган” деган якуний хулоса берилган.

PricewaterhousCoopers аудиторлик ташкилотининг 2014 йил учун тузилган аудиторлик хулосаси ва 2015 йил учун тузилган аудиторлик ҳисоботи ҳамда аудиторлик хулосалари ижобий қайд этилган.

Аудит аҳамияти. Банк фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ички аудит хизмати томонидан аниқлаган ҳолларда унинг раҳбариятига ўз вақтида маълум қилиниши, улар бартараф этиш бўйича ўз вақтида маълум қилиниши, улар бартараф этиш бўйича тезкор чораларни ишлаб чиқиш имкониятини беради. Банкнинг асосий молиявий ҳисобот тури бу молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботи ҳисобланади. Маълумки, ушбу ҳисобот ҳам ташқи аудит томонидан тасдиқланиши зарур. Бу ҳисоботни тасдиқлашда аудитор баланснинг барча моддаларини аудитдан ўтказди ва тегишли хатоликлар аниқланган ҳолда уни тузатишга кўрсатма бериб ўтади. Бундан ташқари, Республикамизда банк тизими Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтганлиги боис аудитор

ҳисоботларни МХХСга мослаштиради. Шу сабабли банк томонидан тузилган ҳисобот билан аудитор томонидан тасдиқланган ҳисобот ўртасида тафовутлар кузатилади. Буни албатта, ташки фойдаланувчилар учун аҳамияти катта ҳисобланади. Чунки улар асосан, банкнинг аудиторлик хулосаларидан сўнг эълон қилинган молиявий ҳисоботларни кўришни маъқул кўрадилар.

Банкнинг мазкур ҳисоботларни солиштирма таҳлили амалга оширилганда қуйидагича фарқлар мавжудлиги аниқланди:

2.2-жадвал

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 31.12.2015 йилга активларнинг аудитдан олдинги ва кейинги ҳолати³¹

АКТИВЛАР	Банк Ҳисоби	Аудит натижалари	Фарқ
1. Нақд пул ва бошқа тўлов ҳужяокатлари	757 015 878	757 015 878	0
2. Марказий банкдан олинадиган маблағлар	0	0	0
3. Марказий банкка топшириладиган нақд пуллар захираси	1 600 000	1 725 000	-1 125 000
4 Олди-сотди ҳисобварақлари			
а. Қимматбаҳо қоғозлар	0	0	0
б. Қимматбаҳо металллар, тангалар, тошлар	213	0	213
в. Минус: Олди-сотди ҳисобварақлари бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар	0	0	0
г. Олди-сотди ҳисобварақлари, соф	213	0	213
5 а. Инвестициялар	30 767 667	1 626 221	29 141 446
б. Минус: Инвестициялар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар	6 801 462	45 449	6 756 013
в. Инвестициялар, соф	23 966 205	1 580 772	22 385 433
б. Қайта сотиш шарти билан сотиб олинган қимматбаҳо коғозлар	0	0	0
7. Кредит и лизинг операциялари			
а. Брутто кредитлар	670 692 221	674 629 069	-3 936 848
б. Лизинг операциялари, Брутто	9 750 961	16 034 881	-6 283 920
в. Минус:Кредит ва лизинглар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар	28 709 194	27 560 362	1 148 832
г. Кредит и лизинг операциялари, соф	651 733 988	663 103 588	-11 369 600
8 а. Сотиб олинган векселлар			
б. Минус: Векселлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар			
в. Сотиб олинган векселлар, соф	0	0	0
9. Мижозларнинг молиявий инструментлар бўйича мажбуриятлари	0	0	0

³¹ АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари

10. Асосий воситалар, соф	61 533 552	64 669 808	-3 136 256
11. Олиш учун ҳисобланган фоюлар	8 081 761	0	8 081 761
12. Банкнинг бошқа мулклари			
а. Кўчмас мулкка инвестицилар	1 265 031	0	1 265 031
б. Кредитлар ҳисобига олинган бошқа активлар	165 828	1 571 126	-1 405 298
в Минус: Банкнинг бошқа мулклари бўйича эхтимолий йўқотишларга қарши закиралар	233 100	373 368	-140 268
г. Банкнинг бошқа мулклари, соф	1 197 759	1 197 758	1
13. Бошқа активлар	10 712 224	7 544 645	3 167 579
14. Жами активлар	1 276 144 707	1 272 390 367	3 754 340

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ҳисоботда акс эттирилган активлар бўйича аудитнинг ҳисоботига кўра умумий активлар миқдори 3 754 340 минг сўмга фарқ қилган.

Қуйидаги жадвалда эса, мажбуриятлар ва капитал кўрсаткичларига ҳам шунча (3 754 340 минг сўм) миқдорда тузатишлар киритилганлигини кўршишиз мумкин.

2.3-жадвал

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” 31.12.2015 йилга мажбурият ва капитали (пассив)нинг аудитдан олдинги ва кейинги ҳолати³²

МАЖБУРИЯТ ВА ХУСУСИЙ КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТ	Банк ҳисоби	Аудит атижалари	Фарқ
1. Талаб қилиб олингунча депозитлар	547 771 773	678 533 333	-130 761 560
2. Жамғарма депозитлар	58 017 525	58 017 526	-1
3. Муддатли депозитлар	165 499 231	157 599 231	7 900 000
4. Марказий банкка тўланиши лозим бўлган маблағлар	0	303 711	-303 711
5. Бошқа банкларга тўланиши лозим бўлган маблағлар	70 745 721	70 813 666	-67 945
6. Қайта сотиб олиш шарти билан сотилган қимматбаҳо қоғозлар	0	0	0
7. Тўланиши лозим бўлган кредит ва лизинглар	155 835 609	136 520 648	19 314 961
8. Субординар қарз мажбуриятлари	2 571 000	2 571 000	0
9. Тўлаш учун ҳисобланган фоизлар	3 049 071	3 017 422	31 649
10. Бошқа мажбуриятлар	139 913 967	34 768 836	105 145 131
11. Жами мажбуриятлар	1 143 403 897	1 142 145 373	1 258 524

³² АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” ҳисобот маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

ХУСУСИИ КАПИТАЛ			
12. Устав капитали			
а. Акциялар – Оддий	73 334 531	75 920 439	-2 585 908
б. Акциялар – Имтиезли	6 000	12 448	-6 448
13. Қўшилган капитал	983 013	983 013	0
14. Резерв капитал.			
а. Умумий мақсадлар учун резерв фонди	14 118 965		14 118 965
б. Девальвация захираси	1 503 923		1 503 923
в. Бошқа резерв ва фондлар	16 771 156	1 724 154	15 047 002
15. Таксимланмаган фойда	26 023 222	51 604 940	-25 581 718
16. Жами хусусий капитал	132 740 810	130 244 994	2 495 816
17. Жами мажбурият ва хусусий капитал	1276144707	1272390367	3754340

Биз ушбу бўлимда фақат банкнинг молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисоботдаги тузагишларни таҳдил килдик. Ташқи аудит томонидан тасдикланадиган молиявий ҳисоботларни барчасини кўз олдимизга келтирсак, аудитнинг аҳамияти канчалигини тасаввур қилиш кийин эмас.

Банк аудитнинг аҳамияти қисқача шундан иборатки, банк акционерлари ва ташқи кузатувчиларга ҳаққоний, барча учун тушунарли, яъни МҲХСга асосан стандартларга мослаштирилган молиявий ҳисоботлар эълон қилинади.

2.2. Базель қўмитасининг банк ички аудитига оид талабларининг банк амалиётида қўллаш ва уни таҳлили

Магистрлик ишининг мазкур бўлимида Базель Қўмитаси томонидан 2012 йилда чоп этилган “Банкларда ички аудит хизмати” номли ҳужжатидаги талабларнинг Ўзбекистон амалиётида қўлланилиши таҳлил қилинди. Таҳлил Базель Қўмитасининг ушбу ҳужжатида қайд этилган талабларни Ўзбекистонда амалда бўлган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга солиштириш орқали амалга оширилди. Яъни бу бўлимда Базель қўмитасининг ушбу ҳужжатидаги тамойилларнинг Ўзбекистонда қўлланилиши кўриб чиқилади. Олдинги бўлимларда қайд этилганидек, ушбу ҳужжат 3 та қисмдан иборат 20 та тамойилдан ташкил топган.

Қуйидаги 2.4-жадвалда Базель қўмитаси ҳужжатининг 1-тамойили ҳамда ушбу тамайилда қайд этилган талабларнинг мамлакатимизда амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда акс эттирилиши солиштирилган. Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”³³ ги низоми банк ички аудити риска асосланган ёндашувдан фойдаланилган ҳолда текширувларини ўтказишни назарда тутмайди.

2.4-жадвал

Банк ички аудит хизматига Базель Қўмитаси ҳамда Ўзбекистонда амалда бўлган меъёрий ҳужжатлар асосида қўйилган талаблар³⁴

Ҳужжат қисми	Мазмуни
Базель Қўмитасининг “Банкларда ички аудит хизмати” номли ҳужжати	
1-тамойили:	Самарали ички аудит банк кенгашига ва бошқарувига банк ички назорат тизими, рискларни бошқариш ва бошқарув тизими ва жараёнини сифати ва самаралилигини мустақил қафолатини таъминловчи бўғин ҳисобланиб, бу билан банк кенгашига ва бошқарувига банкни ва уни репутация сини ҳимоя қилишга ёрдам беради. Банк ички аудити банкнинг ички назорати, риск менежменти ҳамда бошқарув тизимини ва жараёнларини - банк назорати органининг асосий эътибори қаратилган жабҳаларни доимий қўллаб қувватланиши ва баҳолашида муҳим рол ўйнайди. Шу билан бирга, ички аудиторлар ва банк назорати органи ўзларининг иш режаларида ва фаолиятларида риска асосланган назоратни қўллайдилар. Ички аудит ва банк назоратининг функциялари фаркли бўлиб, ўзларининг қарорлари ва баҳолашларига масъул бўлсаларда, улар айти ёки бир хил бир-бирига боғлиқ рискларни аниқлашлари мумкин.
Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми	
1-банди:	Ички аудит - банк ходимларининг ўз вазифаларини самарали бажаришларида ёрдам бериш мақсадида банк фаолиятини текшириш ва баҳолаш учун банк ичида доимий асосда тузилган мустақил экспертиза. Ички аудитнинг асосий мақсади бўлиб Ички аудит хизмати томонидан банк раҳбариятига банк фаолиятининг назорати ва натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банк Кенгаши ва Бошқарувига банк фаолияти мақсадида эришишида қўмаклашиш ҳисобланади.
2-банди	Ички аудит хизмати - банкда ички назорат ҳолатини, жумладан молия-ҳўжалик фаолияти самардорлиги, ҳисобнинг ишончилиги ва аниқлиги, ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлиги, Ўзбекистон Республикаси банк конунчилиги ҳужжатларига, таъсис ва ички ҳужжатларга, банк операцияларини амалга ошириш қоидалари ва тартибларига риоя қилинишини текшириш (аудит) ва мониторингини амалга оширувчи, шунингдек банк операцияларининг самардорлиги ва ишчиликчилигини ошириш бўйича банк Кенгашига маслаҳатлар берувчи мустақил таркибий тузилма.
19-банди	Аудит хизмати мустақилдир ва у бевосита банк Кенгаши ёки унинг Аудиторлик қўмитасига бўйсунди;

³³ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2000 й., 16-сон, 192-модда; 2011 й., 17-сон, 176-модда.

³⁴ www.bis.org Базель Қўмитаси расмий веб сайти маълумотлари ҳамда амаолаги конунчилик асосида муаллиф ишланмаси.

37-банди	Ички аудиторлик текширувини ўтказиш даврийлиги аудит ўтказиш лозим бўлган ҳар бир соҳага боғлиқ бўлган таваккалчилик даражасини баҳолашга асосланган бўлиши (Аудит хизмати ходими операциялар таваккалчилиги даражасини аниқлашда банк операцияларининг хусусиятлари, банк активлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ бўлган ва ички назоратнинг тегишли сўёсати ва стандартларининг мавжудлиги ҳамда бошқарув ва ички назоратнинг самарадорлиги каби омилларни эътиборга олиши керак).
47-банди	Аудит хизмати ҳисоботлари бевосита Банк кенгашига ёки Аудиторлик кўмитасига тақдим этилиб, банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши лозим. Ушбу ҳисоботларнинг нусхалари банк Бошқаруви ва банкнинг алоҳида таркибий тузилмалари бошлиқларига тақдим этилади (бевосита ушбу бўлимага тегишли қисми). Банк Кенгаши банк аудит хизматини куйидаги йўллар билан назорат қилиши керак: -банк Кенгаши мажлисларида тижорат банкининг филиаллари фаолиятини мониторинг қилиш натижаларини мунтазам равишда кўриб чиқиш; -активлар, кредит ва инвестиция портфелининг сифати ва банк фаолиятининг бошқа кўрсаткичларидан келиб чиқиб аудит хизмати ишининг самарадорлигини баҳолаш.

Банк ички аудити рискларни бошқариш тартиботларини ва банк томонидан қабул қилинган рисклар профилини ўрганиши Низомда қайд этилмаган. Шу боис Республикамиздаги банкларнинг аксариятида ички аудит хизмати томонидан банк қабул қилган рисклар баҳоланмайди, шунингдек рискларни бошқариш тизими аудитдан ўтказилмайди.

Шунингдек, Базель Кўмитасининг ҳужжатида ички аудит билан банк Кенгаши ёки Аудиторлик кўмитаси ўртасида фақатгина ҳисоботлар берилиши эмас, балки кенгроқ маънода ҳар қандай чекловларсиз узвий алоқа ўрнатилиши таъкидланмоқда. Яъни ички аудит ўзининг юқори органларига (Кенгаш, Аудиторлик кўмитаси) фақатгина ҳисобот бериб қолмай, ўзининг қарашлари, аниқланган ҳолатлари ҳамда хулосалари юзасидан бу органлар билан тўғридан-тўғри алоқага киришиши таклиф қилинган.

Шу ўринда, ушбу ҳолатнинг амалиётдаги аҳволига назар соладиган бўлсак, амалда аксарият банклар, айниқса устав капиталида давлат улуши мавжуд банкларда вазият бошқачалигини кўришимиз мумкин. Бундай банкларнинг айримларида банк ички аудити билан унинг юқори органлари ўртасида алоқа ўрнатиш йўлга қўйилмаган бўлса, айримларида алоқа ўрнатишнинг имконияти чекланган. Бу эса, ҳозирги кун банк ички аудитининг асосий муаммоси, яъни банк ички аудитини банк Кенгаши ёки унинг Аудиторлик кўмитаси томонидан эмас, балки банкда доимий фаолият юритувчи банк Бошқаруви томонидан назорат қилинишига олиб

келган.

Диссертация иши доирасида Ўзбекистонда амалда бўлган банк ички аудит фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар Базель қўмитаси ҳужжатининг ҳар бир тамойилига мослиги нуқтаи назаридан юқоридаги (1-тамойил) каби солиштирма таҳлили амалга оширилди. Қуйида Базель қўмитаси ҳужжати ва Республикамизда амалда бўлган банк ички аудитини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлардаги мавжуд тафовутлар таҳлил қилинади. Базель қўмитаси ҳужжатининг 2-тамойили бир хил вазифани ва бир хил тусдаги ишларни доимий бажаришда алоҳида ички аудиторларнинг вазиятни танқидий баҳолашига салбий таъсир кўрсатилиши кўрсатиб ўтилган ва ички аудит ходимлари объективликни йўқотмаслик учун ички аудиторларни ички аудит хизмати доирасида вақти-вақти билан ротация қилиб туриш лозимлиги таъкидланади.

Марказий банкнинг ички аудитни тартибга солувчи низомида тижорат банкларининг ички аудит хизматларига бундай талаб қўйилмаган.

Республикамизда фаолият юритаётган айрим банклар ходимларни ротацияси бўйича тегишли сиёсатлар ва тартибларни белгилаб олган.

Биргина мисол, “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан банк Бошқарувининг 2009 йил 28 ноябрдаги 22-сонли қарори билан “АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида ходимларни ротация қилиш” Тартиби тасдиқланган.

Ушбу тартиб банкнинг Марказий идораси, минтақавий ва туман филиаллари раҳбарлари ҳамда мутахассисларини амалдаги қонунчиликка мувофиқ ротация қилиш (тенг ва юқори лавозимга ўтказиш) тартиби ва шартларини белгилайди. Тартибнинг 2-бандида ротация қилишдан кўзланган асосий мақсад ходим бир лавозимда муайян муддат фаолият кўрсатгандан кейин бошқа тенг ва юқори лавозимга ўтказиш ва шу йўл орқали ходимнинг ишга бўлган қизиқишини ҳамда эътиборини пасайишини олдини олишдан иборатлиги қайд этилган бўлиб, бунда Қўмитанинг ҳужжатидаги 2-тамойилида таклиф этилган ғояга мос келишини

кўришимиз мумкин.

Бироқ, мазкур Тартибнинг 8-бандида банкнинг Марказий идораси мутахассислари, минтақавий ва туман филиаллари бошқарувчилари ва ўринбосарлари ротацияси Бошқарув Раисининг буйруғига асосан амалга оширилиши белгиланганлиги бу ротация қилиш тартибини ички аудит ходимларига нисбатан қўллаш имконини чеклайди. Сабаби банкнинг ички аудит хизмати ходимлари банк Кенгаши томонидан тайинланади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Қишлоқ қурилиш банк мисолида қайд этилган ҳолат бўйича банк томонидан ходимларни ротация қилиш тартиби кенгроқ доирада қўлланилишини таъминлаш, яъни ушбу ҳужжат қайта кўриб чиқилиб, банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши ва унда фақатгина банк ходимлари эмас, балки банк Кенгаши ваколатида бўлган ходимларнинг ротация қилиш шартлари ҳам киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу масалани ҳал қилишнинг яна бир йўли банк Кенгашига бўйсинувчи банк ходимларининг ротацияси тартибини белгиловчи алоҳида меъёрий ҳужжат ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Базель қўмитасининг ҳужжатида (3-тамойил 20-банд) ички аудит хизмати коллективи банк фаолият юритаётган барча соҳалардаги ҳолатни баҳолаш учун рўқобат бўлиши лозимлиги; агарда ички аудит фаолияти аутсорсинг қилинса, етарли назоратни ўрнатиш ҳамда ташқи экспертлар билимларини банк ички аудит хизмати жамоасига трансфер қилиш бош аудиторнинг мажбурияти ҳисобланиши кўрсатиб ўтилган.

Марказий банк томонидан ушбу масалага қуйидагича ёндашилган: Марказий банкнинг ички аудитни тартибга солувчи низомининг 13 ва 28-бандларида банкларнинг ички аудит хизмати ходимларининг сони ҳамда уларнинг билим ва тажрибаларига минимал талаб қўйиш орқали Базель қўмитасининг ушбу талабини бажарилишини таъминламоқда.

Базель қўмитасининг ҳужжатидаги 6-тамойилига доир 31-бандга кўра, бош аудитор кўп йиллик режанинг бир қисми бўлган йиллик аудит

режасини жорий қилишга, режа рискни баҳолаш нуқтаи назаридан шакллантирилиши ва камида бир йилда бир марта қайта кўриб чиқилишига (ёки асосий рискли соҳани баҳолаш мақсадида реал вақт режимида мунтазам ўзгартиришлар киритишга) жавобгар. Банк Кенгаши томонидан ички аудит режасини тасдиқланиши ички аудит хизмати фаолиятини амалга ошириш учун тегишли бюджет билан таъминланганлигини англатади. Мазкур бюджет банкнинг риск профили ўзгариши натижасида аудит режасида ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда етарлича мосланувчан бўлиши лозим. Марказий банкнинг ички аудитни тартибга солувчи низомининг 32-бандида аудиторлик текшируви режасини ишлаб чиқиш учун жавобгарлик Аудиторлик қўмитасига, аудиторлик дастурини ишлаб чиқиш ва бажариш учун жавобгарлик эса банкнинг Бош аудиториغا юклатилган. Яъни, Марказий банк томонидан аудит режасини ишлаб чиқиш ички аудит хизматининг юқори органи бўлган Аудиторлик қўмитасига юклатилган.

Ички аудит хизмати бюджети борасида Марказий банкнинг ички аудитни тартибга солувчи низомида қуйидагилар келтирилган:

24-банди: Аудит хизматининг мустақиллигини таъминлаш мақсадида Аудит хизмати ходимларининг иш ҳақлари банк Кенгаши томонидан белгиланади. Бош аудитор ҳар йили Аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқиши ва уни банк Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этиб бориши лозим. Банк Кенгаши Аудит хизмати харажатлар сметасига истисноли ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, банк Кенгашининг қарорига кўра Аудит хизмати ходимларини қўшимча моддий рағбатлантириш назарда тутилиши мумкин.

Марказий банк томонидан ички аудит хизматининг сметаси бир йилда бир марта тасдиқланиши белгиланган. Айтилган вақтда, Базель қўмитаси томонидан ички аудит хизмати сметаси ёки ҳужжатда ёзилиши бўйича бюджети аудит режасидаги ўзгаришларга мосланувчан бўлиши таклиф қилинган.

7-тамойил: Ички аудит хизматининг фаолият доираси аудит режасига асосан регулятор эътиборидаги масалаларни ўз ичига олинишини таъминлаши лозим.

Ушбу тамойил Марказий банкнинг ички аудитни тартибга солувчи низомининг 52-бандида қўйидагича талқин қилинади: мунтазам назоратни таъминлаш ва олиб бориладиган ишларнинг такрорланишидан қутилиш учун Аудит хизмати Марказий банк ва банк ташқи аудитори билан ишга доир муносабатларни таъминлаши ва ўз ишини келишиб олиши лозим.

Бироқ, ушбу тамойил банк ички аудити томонидан риск менежменти тизимини, капиталнинг монандлиги ва ликвидликни, бошқарув ва ички ҳисобни, қонунчиликка риоя қилинишини ҳамда банкнинг молиявий бошқаруви фаолиятини аудитдан ўтказиши зарурлигини назарда тутди.

Риск менежменти. Хусусан, Базель қўмитасининг ҳужжатида (33-банд) ички аудит фаолият доирасига риск менежментига доир аспектлар киритилиш лозимлиги таъкидланади. Банк Бошқаруви ва риск менежменти бўлинмасининг банк дуч келиши мумкин бўлган риск даражасига боғлиқ қарашларда сезиларли номутаносибликлар мавжудлиги тўғрисида риск менежменти бўлинмаси томонидан банк Кенгашига ахборот берилмаган тақдирда, банк Ички аудит хизмати томонидан банк Кенгаши хабардор қилиниши лозим.

Маълумки, банклар молиявий воситачи бўлиб, фаолияти давомида рисклар трансформациясини амалга оширади. Яъни, депозитлар қабул қилади ва улар асосида кредитлар ажратади. Бунда депозит қўювчилар томонидан (кичик) риск асосида банкка депозит жойлаштиради, банклар улардан йиғилган маблағлар асосида йирикроқ рискли операцияларни амалга оширади.

Шу сабабли, Базель қўмитасининг ҳужжатида риск менежменти бўлинмасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикамиздаги аксарият тижорат банклари томонидан ички аудит хизматида риск менежментига доир тегишли талаблар қўйилган.

Капитал етарлиги ва ликвидлик. Маълумки, банкнинг капитал монандлиги ва ликвидлигига талаблар Базель қўмитасининг тегишли стандартлари асосида жорий қилинади. Банк назорати бўйича Базель қўмитаси 2007-2008 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозидан олинган сабоқлар натижасида дастлаб 2009 йил декабрь ойида “Банк секторини барқарорлигини ошириш” маслаҳат ҳужжатини³⁵ (Consultative document), кейинчалик, аниқроғи 2010 йил декабрда Базель III: Ликвидлик рискинни ҳисоблаш, мезонлар ва мониторинг бўйича халқаро стандартларни (*Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring*³⁶) ва Базель III: Янада барқарор банклар ва банк тизимини тартибга солишнинг глобал стандартларини (*Basel III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems*³⁷) чоп этди. Базель III стандартлари 2019 йилгача босқичма-босқич жорий қилиниши белгиланган (2.3-расм). Мамлакатимизда банк тизимини тартибга солиш ва назорат қилишни халқаро тан олинган андозаларга мос равишда такомиллаштириш мақсадида доимий ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон банк тизимида капиталнинг етарлилик даражаси таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда ҳисобланган активларнинг 24 фоизини ташкил этмоқда. Бу банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган стандарт кўрсаткичидан қарийб 3 баробар кўпдир. 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ- 1438-сонли Қарори³⁸ қабул қилиниб, унда молия-банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, шунингдек, Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлар талабларига мувофиқ тижорат банкларини янада капиталлаштириш ва ликвидлигини ошириш, республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда

³⁵ www.bis.org/publ/bcbsl64.pdf. Базель Қўмитаси расмий веб сайти маълумотлари.

³⁶ www.bis.org/publ/bcbsl88.pdf

³⁷ www.bis.org/publ/bcbs_189_dec2010.pdf

³⁸ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 442-модда; 2013 й., 20-сон, 250-модда, 36-сон, 477-модда

юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш устувор йўналишлар этиб белгиланди. Бугунги кунда хорижий мамлакатларнинг банк тизимида ташкил этилган аудит хизмати банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тижорат банкларида ички назоратни ҳамда аудитни ташкил этиш ва олиб бориш тавсияларига асослангандир.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 26 та тижорат банклари “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” баҳоларига эга.



2.2-расм. Базель III стандартларидаги капитал етарлигига қўйилган талабларининг расмий кучга кириш босқичлари³⁹

Мамлакат банк тизимини барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш масаласи бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмади.

2015 йил 6 майдаги “Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2344-сонли Қарорининг⁴⁰ қабул қилиниши билан юртимиз банк тизимини ривожлантиришнинг келажакдаги режалари белгилаб берилди.

Хусусан, мазкур қарор билан Ўзбекистон Республикаси Марказий

³⁹ Базель III асосида муаллиф ишланмаси

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 18-сон, 217-модда

банкига банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Базель-Ш стандартларини 2015-2019 йилларда босқичма-босқич жорий этилишини таъминлаш юклатилди.

Мазкур қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий банк томонидан Жаҳон банки ва Ҳалқаро валюта жамғармасининг ҳалқаро экспертлари билан биргаликда республика банк назоратига оид меъёрий ҳужжатларни халқаро стандартлар, шу жумладан банк назорати бўйича Базель Қўмитасининг янги тавсиялари асосида такомиллаштирилмоқда. 2015 йил 6 майдаги ПҚ-2344-сонли қарори доирасида Марказий банкнинг айрим низомларига ўзгартиришлар киритилди, айримлари эса тубдан қайта кўриб чиқилиб, янги тахрири қабул қилинди.

Жумладан қуйидаги меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, Базель Қўмитаси талаблари асосида қайта қабул қилинди:

1. Марказий банк томонидан “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низом⁴¹ ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2015 йил 6 июлда 2693-сон билан давлат рўйхатига олинди.

Марказий банкнинг ушбу Низоми Базель қўмитасининг янги тавсияларига босқичма-босқич ўтишни назарда тутди.

Хусусан, банкнинг I даражали капитали (*T1 - Tier 1*) иккита қисмга, яъни I даражали асосий капитал (*CET1 - Common Equity Tier 1*) ва I даражали қўшимча капиталга (*ATI - Additional Tier 1*) бўлинди. I даражали асосий капитали (*CET1*) регулятив капиталнинг (*TC - Total capital*) 60 фоизидан кам бўлмаслиги ҳамда I даражали капитал (*T1*) регулятив капиталнинг (*TC*) 75 фоизини ёки ундан кўпини ташкил этиши кераклиги белгиланган.

Банк I даражали асосий капитали таркибига тўлиқ тўланган ва муомалага киритилган оддий акциялар, тақсимланмаган фойда ва

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда

девальвация захираси киритилган.

Шунингдек, барқарор капитал базасини шакллантириш мақсадида, регулятив капиталдан қилинган чегирмалар I даражали капиталдан чегирилади. Банк капиталини ошириш мақсадида ҳамда Базель III тавсияларига мувофиқ, ҳар бир банкда молиявий-иқтисодий инқирозлар юзага келганда, эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун жами активларнинг 3,0 фоизидан кам бўлмаган миқдорда консервация буфери ташкил қилинишини ҳисобга олган ҳолда банкнинг регулятив капиталини, I даражали капиталини ва I даражали асосий капиталини йилма-йил ошириб бориши кўзда тутилган. Жумладан,

2016 йил 1 январдан бошлаб регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти (K1) нинг энг кичик даражаси 0,115 (11,5 фоиз) миқдорида белгиланган бўлиб, банклар таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги капитални консервация қилиш буферини ҳисобга олган ҳолда ушбу кўсаткич 2017 йилнинг январидан 0,125 (12,5 фоиз), 2018 йилнинг 1 январидан 0,135 (13,5 фоиз) ва 2019 йил 1 январдан бошлаб K1 нинг энг кичик даражасини 0,145 (14,5 фоиз) миқдорида таъминлашлари лозим.

Капиталнинг монандлик даражаси талаблари билан бир қаторда банклар I даражали капитални номоддий активларни чегириб ташланган ҳолда балансдан ташқари воситалар ва ҳосилавий (дереватив) воситалар қўшилган умумий активлар суммасига нисбати сифатида аниқланадиган левераж коэффицентиغا *{Leverage ratio}* риоя этишлари керак. Яъни:

$$K3 = I \text{ даражали капитал} / (\text{Умумий активлар} + \text{Балансдан ташқари воситалар} + \text{Ҳосилавий (дереватив) воситалар} - \text{Номоддий активлар}).$$
 Левераж коэффицентининг энг кичик даражаси 0,06 (6 фоиз) га тенг.

2. “Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйилган талаблар тўғрисида”ги Низом Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил

22 июлдаги 19/14-сонли қарорига⁴² асосан тасдиқланиб, Адлия вазирлигида 2015 йил 13 августда 2709-сон билан давлат рўйхатига олинди. Мазкур низомда банк ликвидлигини бошқариш талаблари, ликвидликни бошқариш стратегияси, усуллари ва ликвидликни баҳолаш масалалари батафсил ёритиб берилган. Шунингдек, низомда банклар ўзларининг ликвидлилик ҳолатларини ҳар чорақда камида бир марта стресс тестларидан ўтказишлари лозимлиги, стресс тестларининг якуний натижаси бўйича таваккалчиликни бошқариш стратегиясини тўғрилаб боришлари кераклиги ва стресс тестларининг натижаларидан келиб чиқиб қутилмаган стресс ҳолатларида қўшимча маблағлар билан таъминлаш режаларини ишлаб чиқишлари зарурлиги белгиланган.

Низомдаги асосий ўзгариш сифатида жорий ликвидлилик коэффициентидан (ЖЛК) ташқари 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб ликвидлиликни қоплаш меъёри коэффициенти (ЛҚМК - *LCR (Liquidity Coverage Ratio)*) ҳамда 2018 йил 1 январдан бошлаб соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффицентининг (СБММК - *NSFR (Net Stable Funding Ratio)*) жорий этилишини қайд этиш лозим. Ушбу кўрсаткичлар қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{жлк} = \frac{\text{Жорий активлар}}{\text{жорий мажбуриятлар}} * 100\% \geq 30 \quad (2.1)$$

Бу ерда:

жорий активлар - тўлов муддати 30 кунгача бўлган банкнинг ликвидли активлари ва қўйилмалари, бундан муддати узайтирилган ёки қайтариш муддати ўтган кредитлар мустасно;

жорий мажбуриятлар - талаб қилиб олингунча ва ижро этиш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар.

$$\text{ЛМК} = \frac{\text{Юқори ликвидли активлар}}{\text{Кейинги 30 кун ичидагим жами соф чиқим}} * 100\% \geq 80\% \quad (2.2)$$

Бу ерда:

⁴² Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 437-модда

Юқори ликвидли активлар: нақд пуллар, соф куйма олтин, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қимматли қоғозлари, таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматларининг қимматли қоғозлари;

эҳтимолий зарарларни қоплаш захираларига ажратмалар сифатида Марказий банкка ўтказилган маблағлардан ташқари банкнинг Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги маблағлар;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлардаги банкларга жойлаштирилиб, таъминот сифатида қўйилмаган ликвидли активлар.

ЛҚМК 2017 йил 1 январдан бошлаб 90 фоиздан, 2018 йил 1 январдан бошлаб 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим.

$$СБММК = \frac{\text{Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси}}{\text{Барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси}} * 100\% \geq 100\% \quad (2.3)$$

Бу ерда:

Барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси:

- банк регулятив капитали;
- амалдаги қайтариш муддати 1 йил ва ундан ортиқ бўлган банк мажбуриятлари;
- қайтариш муддати белгиланмаган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи;
- қайтариш муддати 1 йилдан кам бўлган бошқа депозитлар ва қарз маблағлари суммасининг 30 фоизи;
- тижорат банклари банк ички аудит хизмати мазкур нормативларни миқдори ва уларнинг тўғри ҳисобланиши юзасидан ўз фикрини банкнинг юқори бошқарув органларига ҳисобот бериб бормаганлиги сабабли айрим банклар томонидан капитал монандлиги ҳамда ликвидлилик талаблари бажарилмаслиги ёки Марказий банкка нотўғри маълумотлар тақдим этилиши ҳолатлари кўп учрайди. Бинобарин, Марказий банкнинг ички аудитни тартибга солувчи низомининг 41-бандида Аудит хизмати текширув вақтида капиталнинг етарлилик даражасини баҳолаш, активларнинг таснифланиши, таваккалчиликни бошқаришни ва

ликвидлиликни баҳолаш, ўтказилган банк операцияларини бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда ўз вақтида, тўлиқ ва аниқ акс эттирилишини баҳолаш каби саволларга жавоб бериши лозимлиги белгиланган.

Фикримизча, ҳар бир банк ички аудит хизмати томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган капитал монандлиги ва ликвидликка қўйилган талабларнинг бажарилиши ҳамда уларни белгиланган тартибда тўғри ҳисобланишини мунтазам аудитдан ўтказиб туриши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга ПК-2344-сонли қарор доирасида Марказий банкнинг “Тижорат банкларнинг корпоратив бошқаруви тўғрисида”ги Низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, ушбу ҳужжат асосида банк ички аудит хизмати томонидан банкнинг корпоратив бошқарув принципларига асосан банкнинг бошқарув органлари билан алоқалар ўрнатиши лозим.

Бу борада Базель Қўмитаси томонидан банк ички аудити ва банкнинг бошқарув ҳамда назорат органлари билан халқаро доирадаги ҳужжатлар асосида алоқалар ўрнатиш мумкинлиги таклиф этилади.

“Самарали банк назорати бўйича принциплар” (Core Principles: Core Principles for Effective Banking Supervision). Ушбу ҳужжатнинг 8-тамойилига кўра, банк Кенгаши ва Бошқаруви ўзининг мажбуриятларини бажаришда банкнинг катта- кичиклиги, операциялари кўламига ва ташкилий шаклининг мураккаблигига мос келувчи доимий асосда ишловчи ички аудит хизматига эга бўлши учун барча зарур чора-тадбирларни кўриши лозим.

Марказий банкнинг ички аудитни тартибга солувчи низомининг 13-бандида Аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит вазифаларини самарали ҳал этиш ва унинг мақсадларига эришиш учун етарли бўлиши лозимлиги белгиланган. Бу билан Марказий банк томонидан Қўмитанинг ушбу тавсиясини тўлиқ инобатга олган дейиш мумкин.

Бироқ, айрим банклар томонидан Марказий банкнинг ушбу талаблари бажарилмаслик ҳолатлари мавжуд.

Жумладан, айрим банкларда банк ички аудитор хизмати ходимлари

сони банк ички аудит вазифаларини самарали ҳал этиш учун етарли эмаслиги ҳолатларини кузатиш мумкин.

Мисол учун, Республикамиз йирик банкларидан бири Қишлоқ қурилиш банк 42 та филиали мавжуд бўлиб, активлари миқдори (2016 йил 1 январь ҳолатига) 8,0 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда, банкнинг штат жадвалида Ички аудит бошқармасига 10 та бирлик ажратилган. 2016 йил 1 январь ҳолатига ушбу штатларнинг 1 таси вакант бўлса, Ички аудит бошқармасининг 1 та ходими бола парваришlash таътилига чиқарилган. Яъни, Ички аудит бошқармасида бош аудиторни қўшиб ҳисоблаганда 8 та ходим ишлаб келмоқда.

Банк ички аудит фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, банк филиалларида аудит текширувларини сифатли ўтказиш учун ўрта ҳисобда (3-4 та ходим) 20 кундан 30 кунгача вақт керак бўлади. Қишлоқ қурилиш банк шароитида битта банк филиалида аудит текшируви ўртача 20 кун давом этади деб ҳисобласак, 1 йилда банк ички аудиторлари томонидан кўпи билан 37 та филиални аудит текширувидан ўтказиши мумкин. Яъни, бунда 5 та филиал ва банкнинг Бош офисидаги бошқарма ва департаментлари ҳамда банк Бошқарувининг банкда ўрнатилган ички назорат тизимини аудитдан ўтказиш ишлари амалга оширилмасдан қолади. Ёки банкнинг барча соҳаси аудитдан ўтказилган ҳолатда аудитнинг сифати сезиларли даражада пасаяди.

Бу эса ўз ўрнида, Марказий банкнинг тижорат банкларида ички аудит бир йилда камида бир марта ўтказилиши лозимлиги тўғрисидаги талаби (992-1-сонли низомнинг 36-банди) бажарилмаслигига олиб келади.

Регрессион таҳлилда Республикамизда фаолият юритаётган 22 та банкнинг 2016 йил 1 январь ҳолатига банк ички аудит хизмати ходимлари сони банк филиаллари сони, активлар миқдори, қабул қилган рисклари (кредит rischi, операцион риск, бозор rischi) миқдори ҳамда банк ходимлари сонига нисбатан солиштирилди. Таҳлилларга асосан банк ички аудит хизмати ходимлар сонини аниқлаш бўйича қуйидаги модель

яратилди:

$$\text{ИАХХС} = 0,79 - 0,036 * \text{ФС} - 0,006 * \text{Актив} + 0,01 * \text{Риск} + 0,005 * \text{ХС} \quad (2.4.)$$

Бу ерда:

ИАХХС - ички аудит хизмати ходимлар сони;

ФС - филиаллар сони;

Актив - банкнинг таҳлил санасига активлар миқдори (млрд. сўмда);

Риск - банкнинг таҳлил санасига таваккалчиликка асосланган активларнинг умумий миқдори (кредит rischi+операцион риск+бозор rischi);

ХС - ходимлар сони.

Ушбу моделнинг детерминация коэффициенти ҳисобланганда, 94% натижага эришилди. Бу моделimiz ички аудит хизмати ходимлари сонининг ҳақиқий функциясини 94 фоизга тушинтиришини англатади.

Фикримизча, мамлакатимиздаги барча банклар ички аудит хизмати ходимлари сонини шу модель асосида қайта кўриб чиқса, шунингдек Марказий банк томонидан Ички аудитга қўйилган талаблар тўғрисидаги низомига шу каби аниқ кўрсаткичларга асосланган ҳолда банкларнинг ички аудит хизмати ходимлари сонига нисбатан талаб қўйса мақсадга мувофиқ бўлади.

Базель кўмитаси ҳужжатининг 9-тамойили банк Кенгаши вақти-вақти билан ички аудит хизматини сифатини мустақил ташқи назоратчи ёрдамида ўрганишни жорий қилиши лозимлигини назарда тутиб, мамлакатимизда банк ички аудити фаолиятини ташқи назоратчи ёрдамида ўрганилиши тўғрисида талаб қўйилмаган.

Шунингдек, 9-тамойилда қайд этилган банк Бошқарувига ички аудит хизматига янги ривожланишлар, ташаббуслар, лойиҳалар, маҳсулотлар ва маъмурий ўзгаришлар тўғрисида маълумот бериш ҳамда барча алоқадор (маълум ва кутилаётган) рискларни дастлабки даврида аниқланишини таъминлаши лозимлиги юзасидан талаб Республикамиз амалиётида жорий қилинмаган.

Базель кўмитаси ҳужжатида банк Бошқаруви “ички аудит хизмати раҳбари (бош аудитор) ўзининг вазифаларини бажариш учун Аудиторлик кўмитаси томонидан тасдиқланган аудит режаси, кўлами ва бюджетига мос (етарли) молиявий ва бошқа ресурсларга эга бўлишини таъминлаши зарур” деган талаб илгари сурилган.

Мазкур талаб юзасидан Марказий банк низомларида банк ички аудит хизматига иш ҳақлари банк Кенгаши томонидан белгиланиши, ички аудит хизматининг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши каби масалалар ўз аксини топган. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 181-моддасига мувофиқ, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан Меҳнат Кодексининг ушбу моддаларига мувофиқ ички аудит текширувларида аниқланган ҳолатлар юзасидан кўпчилик ҳолатларда банк ходимларига жарима интизомий чоралари қўлланилади.

Фикримизча, ички аудит хизматини қўшимча молиявий ресурс билан таъминлаш ва ички аудит хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимлардан ушлаб қолинган жарима миқдорида шу камчиликни аниқлаган ва уни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар берган ички аудит ходимига мукофот белгиланиши бир томондан ички аудит ходимларининг фаолиятини самарадорлигини оширишга хизмат қилса, бошқа томондан банк ходимларининг хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслигига сабаб бўлади.

Базель қўмитаси ҳужжатининг 15-тамойида йирик банклар ва халқаро актив банклар ички аудит фаолиятини ўзининг ходимлари амалга оширилиши тавсия этилади. Шунингдек, банкларда ички аудит хизмати эмас, балки унинг чекланган ва маълум соҳалари аутсорсинг қилиниши банкка фойда келтириши мумкинлиги қайд этилади. Яъни ички аудитда аутсорсинг амалиёти билан ички аудит хизматида ходимларида мавжуд бўлмаган билим ва кўникмаларни ташқаридан жалб қилиш ва ички аудит ходимларни билим ва кўникмаларини оширишга хизмат қилади.

Базель қўмитасига кўра, аутсорсинг - бу ички аудит хизматига кўмаклашиш учун ички аудит фаолиятини амалга оширувчи банк ходими бўлмаган экспертларни жалб этишдир.

Маълумки, Марказий банкнинг ички аудитни тартибга солувчи низоми 31-бандида ички аудит текширувлари фақатгина аудит хизмати ходимлари томонидан ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилган. Бу билан Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ички аудит фаолиятини аутсорсинг қилишга чеклов ўрнатилган.

Фикримизча, ички аудитни аутсорсинг қилишдан асосий мақсад банкда ички аудиторларнинг сони банк кўламига мос эмаслиги, яъни камлиги ёки ички аудиторлар томонидан банк фаолият юритаётган айрим соҳаларни тушунмаслиги сабабли ушбу бўшлиқларни тўлдиришдир.

Республикада фаолият кўрсатаётган айрим банкларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги низомлари таҳлил қилинганда, Қишлоқ қурилиш банкнинг “Ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомида мустақил ташқи экспертларни ички аудит учун жалб қилиш, яъни аутсорсинг қилиш тартиби белгилаб қўйилган. Бироқ бу Марказий банкнинг ички аудитни тартибга солувчи низоми талабларига (Ички аудит текширувлари фақатгина Аудит хизмати ходимлари томонидан ўтказилади) мос келмайди.

Бунда аутсорсинг қилишни таъқиқлаш ўрнига Марказий банк томонидан ушбу фаолиятни тартибини ва чекловларини белгиловчи

талаблар қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, банк доимий фаолияти доирасига кирмайдиган бир марталик операцияларни амалга оширганда ушбу операцияларнинг аудитини амалга ошириш учун алоҳида янги ходимни ишга олиш ёки айрим ходимларни бу операциялар аудитини амалга оширишга тайёрлаш мантиқий эмас деб ҳисоблаймиз. Банк ички аудитини аутсорсинг қилиш, вақтинчалик бўшлиқларни тўлдириш ва ички аудит хизматини замон талабига мос фаолият юритишини яна бир омилдир.

2.3 Тижорат банклари ички аудит фаолиятининг хориж тажрибаси ва унинг авзал жиҳатлари

Татқиқот ишининг мазкур параграфида Европа Марказий Банки ички аудит тизими ўрганилган бўлиб унинг ўзига хос авзал жиҳатларини кенг ёритишга ҳаракат қилинган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Еврохудудга кирувчи давлатлар банк тизими йирик уч босқичли аудит тизимидан иборат бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади.

- Европа Марказий Банки Аудит Қўмитаси;
- Евро худудга кирувчи мамлакатлар Марказий банки аудит қўмитаси;
- Тижорат банклари Аудит Қўмитаси.

Уч босқичли аудит тизими фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда мувофиқлаштириш мақсадида Ягона назорат механизми тизими ишлаб чиқилган.

Ягона назорат механизми Европа Марказий банкнинг 2014 йил 16 апрелдаги 468-қарори асосида ташкил этилган назорат тизими бўлиб Еврохудудга кирувчи мамлакатлар банк тизимида ягона назорат тизими фаолиятини тартибга солувчи тизим бу қонунуий назорат тизимии бўлиб, Европа Марказий банкнинг асосий назорат тизими сифатида жорий

этилган⁴³. Унга кўра тижорат банклари ички аудит тизими “Ягона назорат механизми” ҳамда Базель Кўмитасининг талаблари шунингдек банкнинг тегишли ички меъёрий ҳужжатлари асосида олиб борилади.

Европа Марказий банкининг 9 Конгресси томонидан 2014 йилда қабул қилинган Лима декларациясининг принципларида ички назорат фаолияти самарадорлигига давомли равишда текширилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган. Чунки тўғри жорий қилинган ички назорат банк фаолиятида қабул қилинган қарорларнинг ижросини тезкорлик ва тўғри бажарилишини таъминлайди. Шу билан ички назорат тизими фаолияти аудит сифатига бевосита боғлиқ бўлиб, текширув жараёни самарадорлигини ошириш имконини яратади. Мазкур декларация ички назорат тизими фаолиятига баҳо бериш жараёнида, банк ходимлари томонидан тасдиқланган йўриқномаларга бўйсиниш лозимлигини алоҳида қайд этиб ўтилган. Базель кўмитасининг фикрига кўра, ички аудит хизмати банк фаолияти устидан муттасил назоратни таъминловчи муҳим таркибий бўлим ҳисобланади. Ўзининг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ички аудит хизмати белгиланган қоидалар ва тартиб-таомиллар меъёрий ҳужжатлар мувофиқлигига баҳо бериш билан бирга, ходимлар томонидан уларга риоя этилишини назорат қиладилар. Бунинг учун ички аудит хизмати банкнинг кундалик фаолиятида мустақил бўлиши ва барча турдаги операцияларни назорат қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Бозор иқтисодиёти ривожланаган мамлакатлар амалиётида ички аудит бир неча йиллардан бери фаолият кўрсатиши натижасида, аудит кўмиталари изчил ва самарали назорат орқали сифатли молиявий ҳисоботни таъминлаш, шунингдек самарали ички назорат тизимини ташкил этишга кўмаклашиш жараёнида муҳим рол ўйнайдилар. Сўнгги йилларда ички аудитнинг роли такомиллашмоқда ва у ўз фаолиятида фақат назорат функцияларини бажарибгина қолмасдан, балки акциядорларга бизнес хавф-хатарлари ва ишнинг самарадорлиги ҳақида ахборот беришга йўналтирила бошлади. Турли ташкилотлар томонидан олиб борилган изланишларнинг

⁴³ <http://www.ecb.org/singlesupervisorysystem/pdf> Европа Марказий Банки расмий веб сайти маълумотлари

тахлилига кўра ички аудит хизматининг ҳисобдорлиги уларнинг мажбуриятидан келиб чиққан ҳолда турли бўғиндаги раҳбарият ҳисобдорлиги аниқланган.

Жумладан АҚШ корпоратив директорлар миллий ассоциациясининг маълумотларига кўра ички аудит хизмати таҳлил қилинган ташкилотларнинг 38 фоизида молиявий директор ҳисобдор бўлса, Халқаро ички аудиторлар институти ва Аудиторлар ва инфор­мацион технологиялар тизими ассоциацияси маълумотларига кўра 53 % ва 46 % директорлар кенгашига ҳисобдордир. Фикримизча ташкилотда ички аудит хизмати ҳисобдорлиги канчалик юқори даражада бўлса, текширув жараёнини режалаштириш, олиб бориш ҳамда ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида мустақиллик тамойилларига риоя қилиш имконияти шунча юқори бўлади.

2.5-жадвал

Хорижий давлатлар ички аудиторларининг жавобгарлиги⁴⁴

Ички аудит хизмати ҳисобдорлиги	АҚШ корпоратив директорлар миллий ассоциацияси	Халқаро ички аудиторлар институти	Россия ички аудиторлар институти	Аудиторлар ва инфор­мацион технологиялар тизими ассоциацияси
Директорлар кенгаши (Аудиторлар кўмитаси)	29%	53%	39%	46%
Бош директор	26%	22%	48%	27%
Молиявий директор	38%	19%	15%	19%
Бошқалар	7%	6%	-	8%

Европа Марказий банк кенгаши томонидан ички назорат ва аудит ташкил этиш, ҳамда унинг фаолиятига баҳо бериш ва самарадорлигини ошириб бориш борасида амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар услубий қўлланмаларда етарли даражада ёритилмаган. Шунга қарамай бизнинг фикримизча, ички аудит хизмати фаолиятида мустақиллик

⁴⁴ www.bis.org/publ/bcbsl88.pdf Базель Кўмитаси расмий веб сайти маълумотлари

тамойилларга риоя қилган ҳолда, асосий эътиборни ички назорат тизимига ва унинг самарадорлигига баҳо беришга қаратиши мақсадга мувофиқдир. Ички аудит бўлими банк кенгашига унинг вазифаларини бажаришда, хусусан, ички назорат соҳасида, фирибгарлик ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларни текширишда кўмаклашади. Шунинг учун ҳам ички аудит самарадорлиги юқори бўлиши учун унинг фаолияти банк раҳбарияти ва кенгаши томониан кўллаб-қувватланиши, унинг раҳбарияти доимо банк кенгаши билан очик ахборот алмашиши ва ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, аудит кўмитасининг таклифига кўра, ички аудит бўлими директори унинг мажлисларида иштирок этиши мумкин бўлсада, аммо йилида камида бир марта аудит кўмитасига ўз фаолияти натижалари бўйича ҳисоботни тақдим этиши, унинг иш самарадорлигига баҳо бериши лозим. Қуйидаги 2.6-жадвалда ёритиб ўтишга ҳаракат қилинган.

2.6-жадвал

Хорижий давлатларда ички аудит хизматларини ташкил этиш борасидаги маълумот⁴⁵

Австралия	Фонд биржаси листинг қоидаларига мувофиқ тижорат банклари ва компониялар ҳисобот даврида амалда бўлган корпоратив бошқарув асосий принциплари ҳисоботи имзоланган санагача тижорат банклари ички аудит фаолиятини юритганини кўрсатиши шарт.
Канада	Қонунга мувофиқ Канададаги акциядорлик жамиятларида ички аудит тузилиши шарт. Торонто фонд биржаси ҳам, Монреаль фонд биржаси ҳам рўйхатга олинган тижорат банклари ва компониялардан йиллик ҳисоботларга ёки ахборотномаларга корпоратив бошқарув амалиёти тўғрисида декларацияни киритиш талаб қилинади.
Германия	Корпоратив бошқарувга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Қонунда ички аудиторни тайинлаш кузатув кенгашининг жавобгарлиги белгиланган. Ташқи аудиторлар текширув вақтида аниқланган хато ва камчиликлар ҳақида кенгашга ахборот беришлари керак.
Япония	Япония корпоратив бошқарув форуми тавсиявий хусусиятга эга бўлган корпоратив бошқарув қоидалари кодексини эълон қилган. Форум компанияларнинг банк кенгашига мустақил директорлар томонидан ички аудит хизматини тузишни тавсия этади.

⁴⁵ Гермасимова Е.Б., Мельник М.В. “Основы банковского аудита” Ўқув қулланма/ Москва – 2008. 221 б.

Нидерландия	Амстердам фонд биржасининг ёрдамида ишбилармонларнинг мажбурий бўлмаган ахлоқ кодекси-Петерс қўмитаси ҳисоботи эълон қилинди. Унда компания кузатув кенгашига ёки банк кенгашининг фаолияти ички аудит ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган молиявий ҳисоботни сифати, қонунларга ва ички назорат муолажаларига риоя этилиши, шунингдек ташқи аудиторлар билан ҳамкорликни ички аудит хизмати томонидан амалга ошириш тавсия этилди.
Буюк Британия	Лондон фонж биржаси рўйхатга олинган Британия компанияларидан ички аудит хизмати фаолиятини киритишни талаб қилади.
Америка Қўшма Штатлари	Нью-Йорк фонд бирдасининг талабларига биноан, биржада рўйхатга олинган компаниялар ички аудит хизмати фаолияти ижобий деб баҳоланган.
Россия	Россиянинг меъёрий ҳужжатлари акциядорлик жамиятларида ички аудитни ташкил қилиш мажбурий бўлмасада, сўнги вақтда унинг фаолияти оммалашмоқда.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики айрим мамлакатларда бундай тизим тузилиши мажбурий бўлса, бошқа мамлакатларда ихтиёрийдир. Масалан, Япония ва Нидерландияда ички аудит хизматини ташкил қилиш ва унинг фаолиятини олиб бориш мажбурий бўлмасада, ушбу тизим фаолияти кенг тарқалган бўлиб, ушбу ҳолатни ижобий деб баҳолашимиз мумкин. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар бўлмиш АҚШ ва Буюк Британия давлатларида молиявий ҳисоботлар аудиторлик хулосалари билан бирга тақдим этилиши амалиётда жуда кенг тарқалган. Бундан ташқари, ҳар бир тижорат банклари аудит хизмати фаолияти мажбуриятлари ҳам мамлакат иқтисодиётининг хусусиятлари, банк кенгаши ва раҳбариятларининг талабларидан келиб чиқиб айрим фарқларни кўришимиз мумкин.

Шу билан бирга Германия банкларида ички аудит хизматини ташкил этиш ва олиб бориш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари, яъни:

- устав қабул қилиш;
- тизимга тегишли билим ва кўникмага эга аъзоларни олиш;
- тизим аъзоларининг эркинлиги ва объективлигига баҳо буриш;
- тизим аъзоларининг ваколат муддатини белгилаш;
- тизим имажлисмлари графигини тузиш;
- етарли маблағлар ажратиш;

- тизимнинг янги аъзоларини унинг фаолияти билан таништиришлари орқали иш самарадорлигини оширишга интилишлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Ушбу ҳужжатларнинг асосий мақсади, аудиторлик фаолиятини меъёрий ҳужжатлар асосида ташкил этиш ва унинг тижорат банкларидаги юқори назорат тизими эканлиги, ҳамда банк фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг олдини олишга қаратилган.

Россия Федерацияси банк тизими йўриқномалари ва ички аудит низомига мувофиқ унинг асосий мақсади банк раҳбарияти томонидан жорий қилинган меъёрий ҳужжатлар ва касбий фаолият стандартларига риоя этилишини таъминлаш, манфаатдор тўқнашувларни тартибша солиш, банк томонидан амалга оширилувчи операциялар кўламига мувофиқ, унинг ишончилигини ошириш, банк фаолияти рискларини камайтириш орқали инвесторлар банклар ва мижозларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу билан бир қаторда, тижорат банклари йўриқномаларида акс эттирилганидек ташқи аудиторлар мажбурий аудит ўтказиш жараёнида ички аудит тизимига алоҳида эътибор беришлари ҳамда ўз хулосаларида акс эттириш лозимлиги қайд этилган.

Европа банк тизими ички аудит хизмати фаолиятида Англия банк тизими тажрибалари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки молиявий фаолият барқарорлигини таъминлаш мақсадида аудит хизмати айнан Англияда ташкил этилган. Англияда ички аудит хизмати фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан бири банк тизими хусусиятлари ҳамда аудит бошқаруви даражалари ўртасидаги боғлиқликни назоратдан ўтказишдан иборат. Дасталаб кредит операцияларини аудитдан ўтказиш мазкур мамлакат банк тизимининг унинг иқтисодиётига таъсирини баҳоловчи асосий мезон сифатида эътироф этиб келинди. Аудит фаолиятини мамлакат иқтисодиётга таъсирини баҳолаш қуйидаги мезонларни баҳолаш орқали олиб борилади.

1. Аудит фаолияти ҳамда молия тизими мамлакат иқтисодиётида юқори таъсирга эга бўлган давлатлар. Бунда асосан мамлакатда хусусий мулкчили катлами фаолияти чуқур таҳлил қилинади шунингдек назорат турлари-юқори

молия органларининг бошқаруви ҳамда аудит фаолиятига нормаив-ҳуқуқий ҳужжатларни таъсис этиш борасидаги роли таҳлил қилинади. Ушбу давлатларда ҳукуматнинг банк тизимини назорат қилиши кенг тарқалган шу билан бир қаторда аудит институтлари ўзларининг фаолиятига доир талаб ва мезонларни ишлаб чиқиш ҳолатлари кам кузатилади чунки барча талаб ва мезонлар давлат органлари томонидан ишлаб чиқилади. Бу эса ўз навбатида мустақил аудиторлик институтларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлашда уларнинг таъсирини камайтириша олиб келади.

2. Банк тизими назоратида ҳукуматнинг роли юқори молиявий тизимда аудит фаолиятининг роли паст бўлган давлатлар. Аудит тизими бошқаруви даражаси ҳамда ҳамда молиявий институлар бошқарув фаолиятига доир чекловлар йилдан сайин такомиллашиб келмоқда. Банкнинг суғурта фаолияти, қимматли қоғозлар ҳамда ипотека кредитларининг ҳажмига чекловлар.

3. Банк тизимида суғурта фаолияти, қимматли қоғозлар ва ипотека кредитларининг ҳажмига доир чекловлар юқори аудит бошқаруви даражаси эса паст бўлган давлатлар.

4. Банк тизими фойдалилик даражаси аудит тизими бошқарувининг даражаси юқори бўлган давлатлар.

5. Банк тизими марказлашган ва аудит фаолияти юқори таъсирга эга бўлган давлатлар.

Мамлкатлар банк-молия, аудит тизими фаолиятини юқорида келтирилган мезонлар асосида баҳолаш мақсадида қуйидаги формула яратилган.

$$RAud_t = \beta_0 + \beta_1 CBank_{it} + \beta_2 PGov_n + \beta_3 RRF_n + \beta_4 ROA_{it} + \beta_5 Conc_{it} + E_n$$

Бунда:

$RAud$ – мамлакат банк тизимида аудит бошқаруви даражаси t вақт оралиғида;

$Cbank$ —мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида банк сектори томонидан ажратилган уй хўжалиги кредитлари ҳажми.

PGov– мамлкат банк тизими активларининг таркиби (50 фоиз ҳамда ундан юқори бўлган капитал ҳажми давлатга тегишли бўлган банкларнинг).

RRF– мамлакатда банкларнинг суғурта, қимматли қоғозлар, ипотека кредитлари бозоридаги иштирокига доир чекловлар даражаси.1 дан 4 гача балл даражасига кўра. (1-чекловлар йўқ. .. 4-энг юқори чеклов даражаси).


ROA – Мамлакатда банк тизимининг фойдалилик даражаси. Активларнинг ўртача қайтиш даражаси кўрсаткичига асосан ҳисобланади.

Conc – мамлакатда молиявий тизимнинг марказлашув даражаси. Мамлкатда энг йирик 3 та банкнинг банк тизими умумий капиталидаги улушини аниқлаш орқали топилади. Барклейс банк нафақат Англияда балки бутун дунёда йирик тижорат банкларидан бири ҳисобланади. Банкда ички аудит ҳамда ички назорат тизими мамлакат монетар сиёсатига монанд тарзда олиб борилади. Банкнинг 2014 йилдаги 97-02 сонли “Кредит институтлари ҳамда инвестиция компаниялари ички назорат тизими” йўриқномаси шунингдек, Базель Қўмитасининг ички назорат, риск бошқарувига доир тегишли тавсиялари ички аудит фаолияти учун умумий стандартлар вазифасини ўтаб келмоқда. Ички аудит ва назорат тизимига доир ушбу стандарт ҳамда тамойилларни самарали ижросини таъминлаш мақсадида банк кенгаши бир қанча умумий қоидалар ва тавсиялар ишлаб чиққан. Банкнинг барча қўйи бўғинлари Банк Бошқаруви томонидан қўйида тавсия этилган фундаментал тамойил ўзларининг худудлари кесимида сўзсиз бажаришлари лозим:

- ахборот бериш ҳамда қарор қабул қилиш борасида;
- ички назорат тизимини ташкил қилиш ҳамда унинг самарали фаолиятини таъминлашда банкнинг ижро органини кенг жалб қилиш;
- барча банк операцияларини ҳамда рискларини мукамал даража камраб олиш ҳамда шахсий жавобгарликни таъминлаш;
- вазифаларнинг аниқ тушунтирилиши, ишончлилиқ ва назорат функциясининг самарали тақсимоти;

- молиявий ҳисоботларни тақдим этиш борасида замонавий стандартлар ҳамда қўллаш.


Қуйидаги 2.3-расмда банкнинг активлари таркиби ҳақида умумий маълумотлар келтириб ўтилган.



2.3-расм. Барклейс банки активлари таркиби⁴⁶ (млрд. фунт стерлинг)

2016 йил якунлари бўйича банкнинг умумий активлари қиймати 1,213 млрд фунт стерлингни ташкил қилиб ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7.6 % ўсган. Республикамиз тижорат банклари активлари таркибидан фарқли ўлароқ молиявий деривативлар ҳамда қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар банк активлари таркибининг асосий йирик компонентларидан бири ҳисобланади. 2016 йилда уларнинг қиймати мос равишда 347 млрд фунт стерлинг ҳамда 165 млрд фунт стерлингни ташкил қилмоқда.

⁴⁶www.home.barclays/annualreport2016/220 - Барклейс банк йиллик ҳисоботи материаллари асосида тайёрланди.



2.4-расм. Мажбуриятлар таркиби (млрд. фунт стерлинг)⁴⁷

2.4-расм маълумотлари орқали банк мажбуриятлари таркибига эътибор берадигга бўлсак, умумий мажбуриятлар таркибида мижозларнинг талаб қилилиб олингунча депозитлари юқори салмоққа эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Таъкидлаб ўтиш жоизки ривожланган давлатлар банк фаолияти таҳлил қилинганда мижозларнинг талаб қилиб олингунча депозит базасидан кредит объекти сифатида фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмайди. Биламизки, банкнинг актив ва пасив операциялари ўртасидаги вақт нуқтаи назардан номуносиблик юзага келган ҳолда трансформация рискинни келтириб чиқаради. Бу ўз навбати Базель талабларида қайд этилган бўлиб, ваҳоланки бугунги кунда республикада банк амалиётида мижозларнинг талаб қилиб олингунча депозит базасидан кредит объекти сифатида фойдаланиш ҳолатлари учраб келмоқда. Базель қўмитаси 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатларнинг банк тизимига бўлган таъсирини таҳлил қилиш натижаларига асосланган ҳолда “Стресс-тестлаш ва назоратнинг самарали амалиёти тамойиллари” деб номланувчи ишланмасини

⁴⁷ www.home.barclays/annualreport2016/220 - Барклејс банк йиллик ҳисоботи материаллари асосида тайёрланди.

нашр қилди⁴⁸. Ушбу нашрда қўмита ҳар бир назорат органига ўзининг стресс-тест ўтказиш методологиясини яратишни тавсия қилди. Республикамиз тижорат банклари ички аудит хизмати фаолияти ушбу тизимни самарали қўллашни такомиллаштириш банк фаолияти барқарорлигини таъминлаш йўлидаги муҳим қадам саналади

II боб бўйича хулоса

Мазкур бобда Республикамизда ташкил этилган аудит фаолияти ўрганилди. Мамлакатимиз банкларида ташқи ва ички аудит амалиётлари ўрнатилган меъёрлар асосида ташкил этилган бўлиб, банк Кенгаши ҳамда унинг Аудиторлик кенгаши уларнинг фаолиятини бошқариш, назорат қилиш ва мувофиқлаштириш йўлга қўйилган.

Банк ички аудит хизматини ташкил этилиши юзасидан халқаро меъёрлар асосида тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу бобда улар ўртасидаги тафовутлар ўрганилди. Ўрганиш натажасида аниқланган фарқларни бартараф этиш юзасидан фикрлар билдириб ўтилди.

Хусусан, аудит хизматининг кўлами, ички аудит фаолиятида аутсорсинг, ички аудитни бошқарув органлари, ички аудит хизмати ходимларининг ротацияси, ички аудит фаолияти Марказий банкнинг эътиборидаги айрим масалаларни қамраб олиниши ҳамда ички аудит хизматини қўшимча ресурслар билан таъминлаш ҳақида мулоҳаза юритилди.

III БОБ. БАЗЕЛЬ ҚЎМИТАСИНING БАНК ИЧКИ АУДИТИГА ОИД ЯНГИ ТАЛАБЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ ВА УНИ РИВОЖЛАНИШ АСОСЛАРИ

3.1. Базель Қўмитасининг банк ички аудитига оид талабларини амалиётга жорий этишдаги муаммолар

⁴⁸ www.ecb.com/annualreport/123pdf Европа Марказий Банки йиллик ҳисобот материаллари


Республикада тижорат банкларининг ички аудитининг асосий мақсадларидан бири - бу банкнинг молиявий ҳисоботлари ҳаққонийлигини ва молиявий операцияларни меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилганини тасдиқлашдан иборатдир. Бунинг учун эса, аудитор кўп сонли ҳужжатларни ўрганиши ва таҳлил қилиши, шунингдек, олиб борилган жараённинг тўғри эканлигини исботлаш учун ички аудит тўғрисидаги низом талабларидан келиб чиққан ҳолда текширувнинг ҳар бир босқичини ҳужжатлаштириши ва олинган натижаларни хулосаларда акс эттириши лозим.

Шуни таъкидлаш лозимки, текширув жараёнида олинган иш ҳужжатларини ички аудит хизмати ходимлари асосан икки гуруҳга, яъни режалаштириш, хулоса ва таклифлардан иборат ҳужжатлар тўпламига ажратадилар. Биринчи гуруҳга йиллик иш режаси ва текширув саволномалари, иккинчи гуруҳга аудиторлик хулосаларидан ташкил топган иш ҳужжатлари киритилади.

Бунинг натижасида бош аудитор томонидан далолатномаларда келтирилган фактларни бирламчи ҳужжатлар билан қиёслаш ва хулосаларнинг қанчалик тўғри эканлигини таҳлил қилиш имкони бўлмайди. Гарчи, аудиторнинг далолатномаларида аниқланган камчиликларнинг турлари бўйича айбдор шахслар тўғрисидаги маълумот батафсил берилган бўлсада, лекин текширувнинг аниқ мақсади ва аниқланган камчиликларнинг манбалари етарлича ўз аксини топмаган.

Сабаби, тижорат банкларининг ички аудит низоми ва тегишли йўриқномаларда аудит хизмати ходимларининг текширув жараёнида иш ҳужжатларини қандай тартибда тузишлари, уларни гуруҳлаш ва сақлаш тўғрисида кўрсатмалар берилмаган. Бу эса, текширув жараёнида аниқланган камчиликларни қайта таҳлил қилиш ва уларнинг ҳақиқатдаги ҳолатини кейинчалик ўрганиш, турли хилдаги бирламчи ҳужжатлар маълумотларини қайта текшириш кабиларга ортиқча вақт сарфланишига олиб келади.

Шунинг учун аудиторлар иш жараёнини ҳар бир босқичини ҳужжатлаштиришда халқаро аудиторлик стандартлари талабларига риоя этиши ва аудит далилларини уларга мос равишда шакллантиришга алоҳида эътибор беришлари лозим (3.1 – расм)



3.1-расм. Аудиторлик далилларини шакллантириш жараёни⁴⁹

Аудиторлик стандартларига кўра, аудитор иш ҳужжатлари ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан, тўлиқлик ва аниқлик, қисқалик ва лўндалик, шаклан соддалик ва тушунарлилик, релевантлик ва тизимга солинганлик каби талабларга жавоб бериши лозим.

Ички аудиторлар томонидан иш ҳужжатларининг мунтазам равишда юритилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, у филиал раҳбарияти билан дастлабки учрашувдан бошланиши керак. Бу учрашув вақтида олинган маълумотлар асосан иш жараёнини режалаштиришда, банк бўлимининг бухгалтерия ва ички назорат тизимини дастлабки баҳолашда, текширув объекти фаолияти билан боғлиқ бўлган рискларни аниқлашда фойдаланилади.

⁴⁹ Халқаро аудиторлик стандартлари

Кейинги боскичда аудиторлар томонидан иш режасида кўрсатилган тахминларни ўрганиш учун маълумотларни тўплаш манбалари ва услублари аниқланади. Тўпланган ҳужжатлардаги маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида тижорат банклари фаолиятида жорий қилинган назорат тизимига баҳо берилиб, у қанчалик самарали фаолият кўрсатаётганлигини ўрганиш мумкин. Аудит иш ҳужжатларини тўплаш жараёнида уларнинг манбаларига ва ишончилиги даражасига кўра гуруҳлаш, танланма текширувларни ўтказиш имкониятини яратиш билан бирга, молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини баҳолаш учун асос бўлади.

Диссертацияни тайёрлаш жараёнида Базель Қўмитасининг банк ички аудитига оид талабларини Ўзбекистон амалиётига жорий қилишда куйидаги муаммолар мавжудлиги аниқлаб олинди:

1. *Маълумотлар очиқлигининг етисмаслиги.* Банк ички аудити банкка максимал даражада фойда келгириш учун унга банкнинг бошқа бўлимларига маълум бўлган барча маълумотлар очиб берилиши лозим. Ишонч мухити эса кучли ва заиф томонларини бахам кўришга имкон яратади.

Шу ўринда, банкнинг ижроия органи яъни Бошқаруви томонидан ички аудит хизматига янги ривожланишлар, ташаббуслар, лойиҳалар, махсулотлар ва маъмурий ўзгаришлар тўғрисида маълумот бериш ҳамда барча алоқадор (маълум ва кутилаётган) рисклар дастлабки даврида аниқланишини таъминлаши юзасидан мажбурият юклатилмаган.

Шунингдек, банкнинг айрим бўлимлари ўзининг йўналишида кунлик назорат ўрнатганлиги сабабли, филиалларнинг айрим камчиликлари бўйича маълумотларга эга бўлади, лекин ушбу маълумотлар ички аудиторлар учун очик бўлмай қолиши мумкин ва ушбу фаолиятни текшираётган ички аудиторнинг малакаси ва қобилиятига боғлиқ равишда ушбу камчилик аниқданмай қолиш эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли, маълумот ички аудиторга маълум бўладиган бўлса, ички аудитор ушбу камчиликдан бошқа боғлиқ бўлган бошқа камчиликларни ҳам аниқлаш имкониятига эга бўлади.

2. Ички аудит хизмати ходимлар сони банкнинг кўламига мос келмаслик муаммоси. Олдинги бўлимларда Қишлоқ қурилиш банк мисолида кўриб чиқилган ҳолат, яъни ички аудит хизмати ходимлар сони унинг функцияларини тўлиқ бажариш учун етарли эмаслиги деярли барча банкларда кузатилади. Бу эса, банкнинг барча соҳаси аудитдан ўтказилмаслигига ёки аудитнинг сифати сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлади. Бу муаммо юзага келишининг асосий сабаби Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ички аудит хизмати ходимлар сонига аниқ миқдорий кўрсаткичлар асосида талаб қўйилмаганлигида деб ҳисоблаймиз. Хусусан, банкнинг активлар миқдори, бўлинмалар сони, ходимлар сони, бажарадиган операциялари кўлами ва сони каби кўрсаткичларига кўра банк ички аудити ходимлар сонига талаб қўйиш мумкин.

3. Ички аудит хизматининг банк Кенгаши билан муносабатларни амалга ошириш муаммолари.

Базель кўмитасининг ҳужжатида ички аудит билан банк Кенгаши ёки Аудиторлик кўмитаси ўртасида фақатгина ҳисоботлар берилиши эмас, балки кенгроқ маънода ҳар қандай чекловларсиз узвий алоқа ўрнатилиши таъкидланган. Яъни ички аудит ўзининг юқори органларига (Кенгаш, Аудиторлик кўмитаси) фақатгина ҳисобот бериб қолмай, ўзининг карашлари, аниқланган ҳолатлари ҳамда хулосалари юзасидан бу органлар билан тўғридан-тўғри алоқага киришиши таклиф қилинган.

Шу ўринда, ушбу ҳолатнинг амалиётдаги аҳволига назар соладиган бўлсак, амалда аксарият банклар, айниқса устав капиталида давлат улуши мавжуд банкларда вазият бошқачалигини кўришимиз мумкин. Бундай банкларнинг айримларида банк ички аудити билан унинг юқори органлари ўртасида алоқа ўрнатиш йўлга қўйилмаган бўлса, айримларида алоқа ўрнатишнинг имконияти чекланган. Бу эса, ҳозирги кун банк ички аудитининг асосий муаммоси, яъни банк ички аудитини банк Кенгаши ёки унинг Аудиторлик кўмитаси томонидан эмас, балки банкда доимий фаолият юритувчи банк Бошқаруви томонидан назорат қилинишига олиб келган.

Табиийки, банк Бошқаруви билан бевосита иш фаолиятида ва муносабатлар давомида аудит хизматининг мустақиллик даражаси камайиб, банк Бошқарувининг ички аудит хизматиغا нисбатан таъсир доираси кенгайиб бормокда. Бунинг асосий сабабларидан бири Банк Кенгаши ва ички аудит хизмати ўртасида узлуксиз узвий алоқалар мавжуд эмас. Банк ички аудит хизмати фаолияти банк Бошқаруви томонидан мувофиқлаштирилиб турилади ва унга боғлиқлик даражаси ошиб бормокда.

4. *Банк ички аудит хизмати томонидан банкнинг капитал монандлиги ва ликвидлиги аудит қилинмаслиги муаммоси.* Банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан қабул қилинган стандартлар ҳамда улар асосида жорий қилинган Марказий банк талаблари асосида банк капиталининг монандлиги ҳамда ликвидлиги аксарият банклар ички аудит хизмати томонидан аудит қилинмайди.

Маълумки, Марказий банкнинг капитал монандлиги ва ликвидликка қўйилган талаблар банкнинг филиаллари кесимида таҳлил қилиб бўлмайди. Чунки ушбу кўрсаткичлар банкнинг умумлашган (ёки консолидациялашган) ҳисоботлари асосида ҳисобланиши мумкин. Кўпчилик банкларда ички аудиторлар томонидан фақатгина филиаллар фаолиятини текшириш билан чекланиб қолинган. Шу боисдан банк ички аудит хизмати мазкур нормативларни миқдори ва уларнинг тўғри ҳисобланиши юзасидан ўз фикрини банкнинг юқори бошқарув органларига ҳисобот бериб бормаганлиги сабабли тижорат банклари томонидан капитал монандлиги ҳамда ликвидлилик талаблари бажарилмаслиги ёки Марказий банкка нотўғри маълумотлар тақдим этилиши ҳолатлари кўп учрайди.

5. *Банк ички аудитининг риск менежментидаги иштирокига доир муаммолар.* Маълумки, банклар молиявий воситачи бўлиб, фаолияти давомида рисклар трансформациясини амалга оширади. Яъни, депозитлар қабул қилади ва улар асосида кредитлар ажратади. Бунда депозит қўювчилар томонидан (кичик) риск асосида банкка депозит жойлаштиради, банклар улардан йиғилган маблағлар асосида йирикроқ рискли операцияларни амалга

оширади. Шу сабабли, Базель қўмитасининг хужжатида риск менежменти бўлинмасига алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ, Ўзбекистан тижорат банклари томонидан ички аудит хизматининг риск менежментидаги иштироқи йўлга қўйилмаган. Ваҳоланки, тижорат банкларида ташкил этилган ички аудит фаолияти асосан рискка асосланган назоратни амалга ошириши лозим.

6. Стресс тест тизимининг самарали тадбиқ қилиш билан боғлиқ муаммолар. Европа мамлакатларининг банк амалиётида стресс-тестлашда индивидуал кредит олувчиларнинг банкрот бўлиш рискинни ҳисобга олиш усуллари кенг фойдаланилади. Ушбу усулни, республикада банк амалиётида ҳар бир мижози бўйича кредит тарихи маълумотлари сўнги 10-15 йил мавжуд эмаслиги сабабли қўллаш жуда қийинлиги;

3.2. Базель Қўмитасининг банк ички аудитига оид талабларини Ўзбекистон амалиётида қўллаш ва уни ривожлантириш истиқболлари

Диссертациянинг ушбу бўлимида Қўмитанинг банк ички аудитига оид талабларини Мамлакатимиз банк тизимида қўллаш ва уни ривожлантириши истиқболларини белгиловчи таклиф ва тавсиялар шаклида қайд этиб ўтилган. Жумладан қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Қишлоқ қурилиш банк мисолида қайд этилган ҳолат бўйича банк томонидан ходимларни ротация қилиш тартиби кенгроқ доирада қўлланилишини таъминлаш, яъни ушбу хужжат қайта кўриб чиқилиб, банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши ва унда фақатгина банк ходимлари эмас балки, банк Кенгаши ваколатида бўлган ходимларнинг ротация қилиш шартлари ҳам киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбу масалани бутун банк тизимида ҳал қилишнинг бир йўли банк ходимларини ротация қилиш бўйича алоҳида ички меъёрий хужжат ишлаб чиқиб, уни банк Кенгаши томонидан тасдиқланиши ҳисобланади.

Албатта, бу хужжатда банк ички аудит хизмати ходимларининг ҳам ротацияси масалалари ўз ўрнини топиши лозим.

2. Банкнинг асосий функцияси депозитлар жалб қилиб, улар асосида кредитлар ажратиш ҳисобланиб, бунда у рисклар трансформациясини амалга оширади. Шу сабабли Базель кўмитасининг ҳужжатида кўра банк ички аудит хизмати риск менежментида алоҳида ўрин тутди.

Фикримизча, банк ички аудити рискка асосланган аудит бўлиши, яъни банк фаолиятида мавжуд рискларни аниқлаш, ҳисоблаш, баҳолаш, назорат қилиш, бошқариш ва ҳисобот бериш тизимини доимий аудит ва мониторинг қилиши лозим.

3. Фикримизча, ҳар бир банк ички аудит хизмати томонидан Марказий банкнинг капитал монандлиги ва ликвидлиikka қўйилган талабларнинг бажарилиши ҳамда уларни белгиланган тартибда тўғри ҳисобланишини мунтазам аудитдан ўтказиб туриши мақсадга мувофик.

Бу билан банкларнинг асосий кўрсаткичлари бўлган капитал монандлиги ҳамда ликвидлиик кўрсаткичларининг белгиланган талабга мос равишда сақлаш ҳамда ушбу кўрсаткичларни ишончилиик даражасининг ошишига ҳамда Марказий банкка тақдим этилаётган ҳисоботлар тўғри ва аниқ маълумотларга асосланишига эришиш мумкин бўлади.

4. Марказий банк томонидан ички аудитни тартибга солувчи низомда банкнинг аниқ микдорий кўрсаткичларига асосланган ҳолда банкларнинг ички аудит хизмати кўламига қатъийроқ талаблар қўйиши мақсадга мувофик деб ҳисоблаймиз. Микдорий кўрсаткичларга активлар суммаси, филиаллар ёки таркибий бўлинмалар сони, мижозлар сони, бажарадиган операциялар турлари ҳамда ходимлар сони кабилар мисол бўлиши мумкин.

Бундай ёндашув тижорат банклари томонидан ички аудит хизматини сонини мақбул даражада сақлашга ҳамда пировордида банк ички аудит хизматининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади деган фикрдамиз.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан диссертация доирасида банкларнинг маълумотлари асосида регрессион таҳлил натижасида ишлаб чиқилган қуйидаги моделга мувофик, ички аудит хизмати ходимлари сонини қайта кўриб чиқиши лозим. Жумладан:

$$\text{ИАХХС} = 0,79 - 0,036 * \text{ФС} - 0,006 * \text{Актив} + 0,01 * \text{Риск} + 0,005 * \text{ХС} \text{ (2.4.)}$$

Бу ерда:

ИАХХС - ички аудит хизмати ходимлар сони;

ФС - филиаллар сони;

Актив - банкнинг таҳлил санасига активлар миқдори (млрд. сўмда);

Риск - банкнинг таҳлил санасига таваккалчиликка асосланган активларнинг умумий миқдори (кредит rischi+операцион риск+бозор rischi);

ХС - ходимлар сони.

5. Марказий банкнинг низомида аудит текширувлари фақат банк ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ушбу талаб Базель кўмитасининг талабларига мос келмаганлиги сабабли Марказий банкнинг низомига аутсорсинг амалиётига йўл очувчи тегишли ўзгартириш киритиш лозим. Бунда аутсорсинг қилишни таъкиқлаш ўрнига Марказий банк томонидан ушбу фаолиятни тартибини ва чекловларини белгиловчи талаблар қўйилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Сабаби табиийки, банклар фаолиятининг ривожланиш даврида банк тизимида ўзгаришлар тез-тез амалга ошади. Бунда банкнинг ҳар бир янги соҳасини аудитдан ўтказиш учун шу соҳани тушинадиган янги ходимни ишга олиш ички аудитнинг харажатларини ва ходимлар сонининг ошишига олиб келади. Ёки ички аудит ходимларини бу соҳани текшириш учун тайёрлаш орқали муаммони ечиш мумкин. Бирок бунда ортиқча вақт ва маблағ сарфлаганибгина қолмай, ходимларни тайёрлаш даврида ушбу соҳа аудит қилинмай қолиши ёки аудит қилинган тақдирда аудитнинг сифати паст бўлиш хавфи бор. Ички аудитнинг асосий мақсади банк соҳасидаги муаммонинг дастлабки давриданок аниқлаб бартараф этиш эканлигини инобатга олинса, бу йўл аудитнинг мақсадларига умуман мос келмайди.

Шунингдек, банк доимий фаолияти доирасига кирмайдиган бир марталик операцияларни амалга оширганда ушбу операцияларнинг аудитини амалга ошириш учун алоҳида янги ходимни ишга олиш еки айрим ходимларни бу операциялар аудитини амалга оширишга тайёрлаш мантиқий

эмас деб ҳисоблаймиз. Зеро, банк ички аудитини аутсорсинг қилиш, вақтинчалик бўшлиқларни тўлдириш ва ички аудит хизматини замон талабига мос фаолият юритишини яна бир омилидир.

6. Маълумки, Узбекистан Республикасининг Меҳнат Кодекси 181-моддасига мувофиқ, ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан Меҳнат Кодексининг ушбу моддаларига мувофиқ ички аудит текширувларида аниқланган ҳолатлар юзасидан кўпчилик ҳолатларда банк ходимларига жарима интизомий чоралари қўлланилади.

Фикримизча, ички аудит хизматини қўшимча молиявий ресурс билан таъминлаш ва ички аудит хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимлардан ушлаб қолинган жарима миқдорида шу камчиликни аниқлаган ва уни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар берган ички аудит ходимига мукофот белгиланиши бир томондан ички аудит ходимларининг фаолиятини самарадорлигини оширишга хизмат қилса, бошқа томондан банк ходимларининг хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслигига сабаб бўлади. Банк Кенгаши томонидан банк Бошқаруви тўғрисидаги ички меъёрий ҳужжатида банк Бошқарувининг ички аудит хизматига доир мажбуриятларини катъийроқ белгилаши, хусусан унда банк Бошқарувида банк қабул қилган ва дуч келиши мумкин бўлган рисклар тўғрисида дастлабки даврида хабар бериши ҳамда банк фаолиятида юз бераётган

янгиликлар юзасидан банк ички аудит хизматини ахборотлар билан таъминлаш каби вазифалар юклатилиши лозим.

7. Европа мамлакатларининг банк амалиётида стресс-тестлашда индивидуал кредит олувчиларнинг банкрот бўлиш рискени ҳисобга олиш усулларида кенг фойдаланилади. Республикамиз банк амалиётида агрегатлашган стресс-тест тизимидан фойдаланишни янада такомиллаштириш ва республика тижорат банкларида алоҳида бўлим ёки аудит қўмитасининг таркибий қисми сифатида ташкил қилиниш мақсадга мувофиқ. Чунки стресс тест тизимининг кенг жорий қилиниши такомиллатириш, аудит ва аутсорсинг хизматидан фарқли ўлароқ тижорат банкларида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

III боб бўйича хулоса

Диссертация ишини III бобида Базель Қўмитасининг банк ички аудитига қўйилган талабларини Ўзбекистонда жорий қилиниши бўйича мавжуд муаммолар аниқлаб олинди.

Жумладан, қуйидаги муаммолар банк ички аудитини халқаро Базель Қўмитаси талаблари асосида шакллантиришга тўсқинлик қилмоқда: маълумотлар очиклигининг етишмаслиги, ички аудит хизмати ходимлар сони банкнинг қўламига мос келмаслиги, ички аудит хизматининг банк Кенгаши билан муносабатларни амалга оширишдаги муаммолар, банк ички аудит хизмати томонидан банкнинг капитал монандлиги ва ликвидлиги аудит қилинмаслиги, банк ички аудитининг риск менежментидаги иштирокига доир ҳамда республикамиз банк амалиётида ҳар бир мижози бўйича кредит тарихи маълумотлари сўнги 10-15 йил мавжуд эмаслиги сабабли стресс тест тизими қўллаш жуда қийинлиги каби муаммолар. Шунингдек мазкур бобнинг иккинчи қисмида юқоридаги муаммоларни ечиш ҳамда банк ички аудита фаолиятини такомиллаштириш истиқболларини белгиловчи таклиф ва амалий тавсиялар ўз ўрнини топган.

Хусусан, банк ички аудит хизмати ходимларининг ротацияси, ички аудит ходимлар сонига қўйилган талабларни қайта кўриб чиқиш, банкда рискка асосланган аудитни шакллантириш, ички аудит ходимларини қўйимча рағбатлантириш, банк ички аудит фаолиятида аутсорсинг хизматини жорий қилиш, банк ички аудитини банк Кенгаши ва унинг Аудиторлик қўмитаси ҳамда банк Бошқаруви ўртасидаги муносабатларни халқаро қабул қилинган талаблар асосида такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилдики, фикримизча булар ички аудит самарадорлигини оширишга хизмат қилади ва уни ривожланиш истиқболларини белгилайди.

Шунингдек мазкур бобда амалдаги қонун талабларига асосан ички аудит ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкинлиги такидлаб ўтилган. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан Мехнат Кодексининг ушбу моддаларига мувофиқ ички аудит текширувларида аниқланган ҳолатлар юзасидан кўпчилик ҳолатларда банк ходимларига жарима интизомий чоралари қўлланилади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб самарали иш фаолиятини олиб борувчи ички аудит хизмати ходимларни рағбатлантириш тизими ичшлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Ўрганилган назарий манбалар ва амалий маълумотлар таҳлилларидан келиб чиқиб қуйидаги умумий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг самарадорлик кўрсаткичлари аудитини республикада банк тизимидаги ўрни, аҳамиятини ўрганган ҳолда банк аудитининг зарурлиги ва республикада унинг ҳуқуқий асосларини яратилиши, тижорат банклари кўрсаткичларини аудит қилиш усуллари ва назорат турлари, Ўзбекистан Республикаси тижорат банкларида аудит ўтказишни ташкил қилиш асослари батафсил ўрганиб чиқилди.

2. Республикада банк ички аудитни халқаро Базель қўмитасининг ички аудитга доир талабларига жавоб бериши ва ушбу соҳада мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича тижорат банкларини ички аудитга қўйилган талаблар масалалари ёритиб берилди. Республикада банк аудитини амалга оширишнинг меъёрий ҳуқуқий базаси шакллантирилган: Республикада ҳукумати томонидан банк аудитини ўтказишни янада ривожлантириш борасида ва уни жаҳон андозалари талабларига мос равишда ўтказиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Буларга Марказий банкнинг ички аудит тартибга солувчи низоми ва банкларда корпоратив бошқарувни тартибга солувчи низом ҳамда банкнинг бошқарув органлари тўғрисидаги ички меъёрий ҳужжатлари мисол бўлиши мумкин. Буларни мавжудлиги банкларда ички аудит хизматини фаолиятини рационал ташкил қилишга ёрдам беради ва ходимларни ўз вазифаларига бўлган масъулиятини оширади. Тижорат банкларида ички аудит хизматини ташкил этишда қуйидаги ҳолатлар мавжудлиги аниқланди: маълумотлар очиқлигининг етишмаслиги, ички аудит хизмати ходимлар сони банкнинг кўламига мос келмаслиги, ички аудит хизматининг банк Кенгаши билан муносабатларни амалга оширишдаги муаммолар, банк ички аудит хизмати томонидан банкнинг капитал монандлиги ва ликвидлиги аудит қилинмаслиги, банк ички аудитининг риск менежментидаги иштирокига оид

муаммолар. Юқорида кайд этиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш ва банк ички аудита фаолиятини ривожлантириш омили сифатида қуйидаги таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Ҳар бир банк банк ички аудита ходимларини объективлигини ошириш мақсадида ички аудит хизмати ходимларини ички аудит хизмати доирасида ротация қилиш тартибини ишлаб чиқиши ва амалиётга жорий қилиши лозим.

2. Банк ички аудити рискка асосланган аудит бўлиши, яъни банк фаолиятида мавжуд рискларни аниқлаш, ҳисоблаш, баҳолаш, назорат қилиш, бошқариш ва ҳисобот бериш тизимини доимий аудит ва мониторинг қилиши лозим.

3. Ҳар бир банк ички аудит хизмати томонидан Марказий банкнинг капитал монандлиги ва ликвидликка қўйилган талабларнинг бажарилиши ҳамда уларни белгиланган тартибда тўғри ҳисобланишини мунтазам аудитдан ўтказиб мақсадга мувофиқ.

4. Марказий банк томонидан ўзининг ички аудитни тартибга солувчи низомида банкнинг аниқ миқдорий кўрсаткичларига асосланган ҳолда банкларнинг ички аудит хизмати кўламига қатъийроқ талаблар қўйиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Миқдорий кўрсаткичларга активлар суммаси, филиаллар ва ёки таркибий бўлинмалар сони, мижозлар сони, бажарадиган операциялар турлари ҳамда ходимлар сони кабилар мисол бўлиши мумкин.

Бундай ёндашув тижорат банклари томонидан ички аудит хизматини сонини мақбул даражада сақлашга ҳамда пировордида банк ички аудит хизматининг самарадорлигини оширишга хизмат килади деган фикрдамиз.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан диссертация давомида ишлаб чиқилган модель ёрдамида ички аудит хизмати ходимларининг сонини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади. Яъни,

$$ИАХХС = 0,79 - 0,036 * \text{ФС} - 0,006 * \text{Актив} + 0,01 * \text{Риск} + 0,005 * \text{ХС} \quad (2.4.)$$

Бу ерда:

ИАХХС - ички аудит хизмати ходимлар сони;

ФС - филиаллар сони;

Актив - банкнинг таҳлил санасига активлар миқдори (млрд. сўмда);

Риск - банкнинг таҳлил санасига таваккалчиликка асосланган активларнинг умумий миқдори (кредит риси+операцион риск+бозор риси);

ХС - ходимлар сони.

5. Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг ички аудитига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги низомида аудит текширувлари фақат банк ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилиши белгиланган бўлиб, ушбу талаб Базель қўмитасининг талабларига мос келмаганлиги сабабли Марказий банкнинг низомига аутсорсинг амалиётига йўл очувчи тегишли ўзгартириш киритиш лозим. Бунда аутсорсинг қилишни таъқиқлаш ўрнига Марказий банк томонидан ушбу фаолиятни тартибини ва чекловларини белгиловчи талаблар қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, банк ички аудитини аутсорсинг қилиш, вақтинчалик бўшлиқларни тўлдириш ва ички аудит хизматини замон талабига мос фаолият юритишини яна бир омилдир.

6. Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси 181-моддасига мувофиқ, ички аудит текширувларида аниқланган ҳолатлар юзасидан кўпчилик ҳолатларда банк ходимларига жарима интизомий чоралари қўлланилади. Фикримизча, ички аудит хизматини қўшимча молиявий ресурс билан таъминлаш ва ички аудит хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимлардан ушлаб қолинган жарима миқдорида шу камчиликни аниклаган ва уни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар берган ички аудит ходимига мукофот белгиланиши бир томондан ички аудит ходимларининг фаолиятини самарадорлигини оширишга хизмат қилса, бошқа томондан банк ходимларининг хато ва камчиликларга йўл қўйилмаслигига сабаб бўлади.

8. Банк Кенгаши томонидан банк Бошқаруви тўғрисидаги ички меъёрий хужжатида банк Бошқарувининг ички аудит хизматига доир

мажбуриятларини қатъийроқ белгилаши, хусусан унда банк Бошқарувида банк қабул қилган ва дуч келиши мумкин бўлган рисклар тўғрисида дастлабки даврида хабар бериши ҳамда банк фаолиятида юз бераётган янгиликлар юзасидан банк ички аудит хизматини ахборотлар билан таъминлаш каби вазифалар юклатилиши лозим.

9. Республикамиз банк амалиётида агрегатлашган стресс-тест тизимидан фойдаланишни янада такомиллаштириш ва республика тижорат банкларида алоҳида бўлим ёки аудит қўмитасининг таркибий қисми сифатида ташкил қилиниш мақсадга мувофиқ. Чунки стресс тест тизимининг кенг жорий қилиниши такомиллатириш, аудит ва аутсорсинг хизматидан фарқли ўлароқ тижорат банкларида юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари ⁵⁰га асосан 2016 йил учун белгиланган банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва бу борада амалга ошириладиган ислохотларнинг бир қисми сифатида, банк назоратини халқаро андоза ва меъёрлар асосида янада такомиллаштириш ҳамда Республика тижорат банкларида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириб бориш каби йўналишлар белгилаб олинган. Диссертация доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсияларнинг банк тизимида қўлланилиши мазкур вазифаларнинг амалга оширилишига яқиндан кўмаклашади.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. 2016 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. Бозор, пул ва кредит, №1, 2017 й., 224, 15- 33 б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.

1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, янги таҳрирда 2000 йил 26 май.

1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 2016 йил 13 апрель.

1.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4725- сонли Фармони

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» Қарори, 2007 йил 4 апрель.

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторлик ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори 2008 йил 2 июл.

1.9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» қарори, 2000 йил 22 сентябрь.

1.10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, 2000 йил 24 март.

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги «Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–1317–сонли Қарори

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 1438- сонли Қарори

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ 2344- сонли Қарори

1.14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида»ги 1306–сонли Низом, 2004 йил 30 январ.

1.15. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси» № 773–17–сон 2004 йил 13 август.

1.16. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834–сон йўриқнома 2008 йил 11 июл.

1.17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 2696-сонли «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низоми.

1.18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 6 июлдаги “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 2693 – сонли Қарори.

1.19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 августдаги 2709– сонли “Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми.

1.20. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Тошкент: Ўзбекистон, - 2013 й.

1.21. Каримов И.А. “2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маъруза . Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.

1.22. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. - Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 528 б.

1.23. Мирзиёев Ш.М.“Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”.- Тошкент: 2016.-56б.

1.24. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак”.- Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017.-104б.

1.25. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. – Тошкент: “Ўзбекистон”. 2017. – 48б.

1.26. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. –224 б.

1.27. Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD – MOLIYA ”, 2009 й. – 548 бет.

1.28. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Ўқув қўлланма. –Т.: ТМИ, 2003.–305 б.

1.29. Адамс Р. Основы аудита, пер. с англ/под ред. Я.В.Соколова. - М.ЮНИТИ, 1995.СТ-398.

- 1.30. Андросов А. М. «Финансовая отчетность банка: практическое руководство по организации бухгалтерского учета и отчетности». - М. : Менатеп. - Информ, 1995. - 459 с.
- 1.31. Аудит банков. Под ред. Белоглазовой Г.Н., Кроливецкой Л.П., Лебедева Е.А., Учеб. пособие / - М. : Финансы-и статистика/, 2001. -352 с.
- 1.32. Allegrini, M, D’Onza, G., Paape, L., Melville, R, Sarens, G., (2006), The European literature review on internal auditing, *Managerial Auditing Journal*, 21: 845-853;
- 1.33. Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит, пер.с англ/. Под.ред. проф. Я.В.Соколова - М.: “Финансы и статистика”, 2001.ст-560;
- 1.34. Банковское дело: Учебник. перераб. и доп./ Под ред. О.И. Лаврушина. –М.: КНОРУС, 2008. – 768 с.
- 1.35. Банковское дело: Учебник/ под. ред. д.э.н. проф. Г.Г. Коробовой. – М.: Экономистъ, 2004. – 751 с.
- 1.36. Белоцерковский В.И., Федорова Е.А., Бухгалтерский учет и аудит в коммерческом банке. Учебник. М-ЗАО “Издательство Экономика” 2005-294с.
- 1.37. Бычкова С.М. Международные стандарты аудита. Учебное пособие.М.: Проспект, - 2008, 432.
- 1.38. Вахабов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методикаси. Монография. Тошкент: молия, 2011. -188б.
- 1.39. Гермасимова Е.Б., Мельник М.В. “Основы банковского аудита” Ўқув қулланма/ Москва – 2008. 221 б.
- 1.40. Дефлиз Ф.Л., Дженик Г.Р., О’Рейли В.М.и др. Аудит Монтгомери, пер.с англ/под.ред.проф. Я.В.Соколова - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. ст.-542;
- 1.41. Додж Р. Краткое руководства по стандартам и нормам аудита, пер.с англ/. М.: “Финансы и статистика”;

- 1.42. Дўсмуратов Р.Д. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт: монография. Ўзбекистон Республикаси кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги; Тошкент Давлат аграр ун-ти. -Т: “Молия” нашриёти, 2007. -276 б.;
- 1.43. Дўстмурадов Р.Д. «Аудит асослари» Дарслик «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти -2003 й.
- 1.44. Ефремова Л.С., Купрюшина Т.А., Тамур И. И., Богданкевич О.А., Савчук Т.К. «Банковский аудит» /Ўқув қўлланма/ Минск-2007. 389 б.
- 1.45. Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. Тошкент, Молия. – 2010, 272б.
- 1.46. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит: Монография. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА “Фан” нашриёти, 2006. -262 б.;
- 1.47. Каримов А.А. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Шарк. 2006-450 бет.;
- 1.48. Кармайл Д.Р, Бенис М. Стандарты и нормы аудита. Пер. с англ./ М-Аудит. ЮНИТИ, 1995;
- 1.49. Кеворкова Ж.А. Международные стандарты аудита: учебник и практикум для бакалавриата и магистратуры -М: Юрайт, 2014. -458 с.
- 1.50. Маматов З.Т. Аудит: муаммолар ва ривожлантириш истиқболлари, Тошкент: ТМИ. 2004, -348б.
- 1.51. Международные стандарты аудита в Казахстане. В 2 том – Алматы: Раритет-2001. 372.
- 1.52. Международные стандарты аудита. Учебное пособие. /Жарилгасова Б.Т. М: КНОРУС, - 2008, 400.
- 1.53. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон Республикаси банк тизими –Т.: Ўзбекистон, 2001.–224 б.
- 1.54. Мусаев Ҳ.М. “Аудит” Дарслик. – Т. : 2003,
- 1.55. Наврузова К.Н., Каримов Н.Ф., Ортиқов У.Д. Банкларда бухгалтерия ҳисоби Т.: Давр нашриёти, 2012.

1.56. Норкобилов С, Ортиков У, “Банк аудити”. Т.: 2004- 108 б.

1.57. Палий В.Ф. Международные стандарты учета и финансовой отчетности. Учебник. М.: Инфра–М, 2004. – 472 с.

1.58. Смирнова Л. Р. Банковский аудит : Учебное пособие для вузов/ Л.Р.Смирнова; Ред. М.И.Баканов. -М: Финансы и статистика, 2001. -448 с.

1.59. Тулаходжаева М.М, Илхомов Ш. И. “Аудит”. Тошкент – “NORMA”-2008й.

1.60. Ҳасанов Б.А., Зокиров М.Ш., Алибаев З.А. Ички аудитни такомиллаштириш асослари, Тошкент, “Фан”, 2003. - 162 бет.;

1.61.Хамдамов Б.Қ. Аудит: умумий назария, Тошкент, ТМИ, 1999. 108 бет.;

1.62.Фадейкина Н.В., Болгова Е.К., Скурихин М.Н., Брыкин А.В. Банковский контрол и аудит. Учеб. пособие. -М: Финансы и статистика, 2002. -496 с.

1.63.Шеремет А.Д., Суйц В.П. Аудит. Учебник. М.ИНФРА-М, 2006.- 448с.

II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар

2.1. Азизов Ш. Аудиторлик ташкилотлари рейтингини аниқлаш методикасини яратиш масалалари. Т. :«Бозор, пул ва кредит», 2008. № 12.

2.2. Каримов Н. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2006. № 1.

2.3. Каримов Н. Тижорат банклари ички аудити фаолиятида муҳимлик кўрсаткичи. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2006. № 6.

2.4. Каримов Н. Тижорат банкларда ички аудитни ташкил қилиш масалалари “Бозор, пул ва кредит” журнали. 2010 йил 10-сон.

2.5. Қурбонбоев Ж., Рузиев Н. Тижорт банкларида аудитни ривожлантириш. Т. : «Бозор, пул ва кредит», 2007. № 6.

III. Фойдаланилган бошқа адабиётлар

3.1. АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” йиллик ҳисобот маълумотлари

3.2. “Ahbor Reyting” рейтинг агентлигининг таҳлилий шарҳлари

3.3. Интернет сайтлари

- <http://www.cbu.uz>-(Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
- <http://www.gov.uz>-(Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали)
- <http://www.stat.uz>-(Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси)
- <http://www.lex.uz>-(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)